

74

Р.Г.САФАРОВА, М.Э.ИНОЯТОВА,
Ш.Э.НЕЪМАТОВ, Ф.М.КУЧКАРОВА

ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИНИ
КОНЦЕНТРИЗМ ТАМОЙИЛИ
АСОСИДА ТАНЛАШГА ОИД
ДИДАКТИК ЁНДАШУВЛАР



ТОШКЕНТ

Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

Количество предыдущих
выдан

--	--	--

1-8

02/15

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ

Т.Н.ҚОРИ НИЁЗИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ

Р.Г.САФАРОВА, М.Э.ИНОЯТОВА,
Ш.Э.НЕЪМАТОВ, Ф.М.ҚУЧКАРОВА

ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИНИ КОНЦЕНТРИЗМ
ТАМОЙИЛИ АСОСИДА ТАНЛАШГА ОИД
ДИДАКТИК ЁНДАШУВЛАР

С.А.А.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА О'РТА МАХСУС ТА'ЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА О'РТА МАХСУС ТА'ЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

ТОШКЕНТ-2012

УДК: 330.1 (075)
ББК 74.202я2

Р.Г.Сафарова, М.Э.Иноятова, Ш.Э.Незматов, Ф.М.Кучкова. Ўқув материалларини концентризм тамойили асосида танлашга оид дидактик ёндашувлар. –Т.: «Fan va technology», 2012, 72 бет.

ISBN 978-9943-10-824-0

Ушбу китобда замонавий дарсликларда бериладиган ўқув материалларини структуралаш принциплари, ўқув материалларини структуралашда концентризм принципининг афзаллиги, ушбу принципининг дидактик хусусиятлари, ўқув материалларини блокларга ажратиш йўналишлари, ўқув материалларини моделлаштиришнинг афзаллиги, концентризм принципи асосида тақдим этилган ўқув материалларининг ўқувчилар билиш фаолиятини ривожлантиришдаги аҳамияти ҳақида фикр юритилган.

Китоб дарслик муаллифлари, тадқиқотчилар, ўқитувчилар ва кенг педагогик жамоатчилик учун муҳим илмий манба бўлиб хизмат қилади.

Тақризчилар:

п.ф.н. – И.Зокиров;
п.ф.н. – Г.Боймуродова

ISBN 978-9943-10-824-0

© «Fan va technology» нашриёти, 2012.

МУҚАДДИМА

Концентризм принципи битта умумий марказга йиғилган таълим мазмуни, таълим назариясида ўқув предметининг муайян курсидаги ўқув материалларининг алоҳида-алоҳида блок(гурух)ларга ажратилган ҳолда берилишини ифодалайди. Қайсиким, ушбу блоклар муайян ўқув предмети бўйича белгилаб бериладиган ўқув материалларининг ҳажмини ифодалайди. Шу маънода концентризм принципи асосида белгилаб бериладиган ўқув материалларининг мазмуни ўқувчиларга тақдим этиладиган ўқув материалларининг ҳажми ва миқдорини белгилаб бериш имконини яратади. Концентризм принципи шу билан характерланадики, бу принцип асосида ўқув материалларини ўзида мужассамлаштирган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларида матнлар, машқ ва масалалар, савол-жавоблар, таълимий топшириқлар тадрижий асосда муайян изчилликда тақдим этилади. Ўқув материалларини танлашда концентризм принципи таъниш натижасида ўқув материаллари аниқ концентрга мужассамлаштирилган ҳолда муайян кетма-кетликда жойлаштирилади. Бу, ўз навбатида, ўқувчилардаги ўқув кўникмаларининг яхлит тарзда ривожланиб боришига имкон беради. Концентризм принципи асосида танланган ўқув материаллари тизимида айни бир хил билим ва тушунчаларнинг турли даражада ифодаланиши намоён бўлади. Бунда ўқув материаллари тизимидаги билим ва тушунчалар концентр характеридаги таълим мазмуни доирасида, таълим жараёнининг муайян босқичларида ўқувчиларнинг ёш ва тараққиёт даражалари, фикр англаш ва фикр ифодалаш билан боғлиқ эҳтиёжлари ҳамда имкониятларини ҳисобга олган ҳолда тақсимланади. Шу нуқтаи назардан ёндашилган ҳолда таълим жараёнида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаши, сўз бойлигининг бир қадар жадал ривожлантирилиши кўзда тутилади. Чунки, таълим жараёнида ўқувчиларнинг сўз бойлиги ва ёзма нутқини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш эҳтиёжи мавжуд.

Синфлар кесимида ўқув материалларини концентризм принципи асосланган ҳолда белгилаб бериш натижасида таълим тизимида аниқ блокларни ташкил қилувчи таълимий материалларни ажратиш имконияти яратилади. Концентризм принципида тан-

ланган ўқув материалларининг афзаллиги шундаки, бундай ўқув материалларининг ўқувчилар томонидан тўлиқ ўзлаштирилишига эришилади. Бунда ўқув материаллари ўқувчилар томонидан куруқ ёдланмайди, балки аниқ ўзаро боғланган кетма-кетликда ўзлаштирилади. Ўқув материалларини концентризм принципи асосида танлашнинг ўзига хос жиҳати шундаки, аynи бир тушунча ва таърифни бир вақтнинг ўзida ҳар томонлама чуқур ўзлаштириш мумкин эмас. Мазкур тушунчанинг барча томонларини муайян концентрлар доирасида ўрганишни назарда тутган ҳолда ўқув материалларини танлаш дарсликларни таркибий жиҳатдан тақомиллаштириш ва таълим жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Ўқув материалларини муайян концентрлар доирасида тақдим этишнинг бошланғич босқичларида ўқувчиларнинг ҳиссий қабул қилиши ҳамда идрок кучи, уларнинг таълим жараёнида тўплаган нутқий малакалари тизимли тарзда ривожланади.

Ўқув материалларининг тадрижий асосда, изчил тақдим этилиши концептризм принципининг ўзига хос хусусияти бўлиб, бу ўқувчилардаги билим, кўникма ва малакаларнинг ривожланишининг асос бўлади. Шунга кўра, дарслик ва ўқув кўлланмаларида бериладиган ўқув материалларини концептризм принципи асосида танлашнинг дидактик асослари, концептр характердаги дарсликлар структураси каби муаммолар ўз ечимини кутмоқда.

Педагогика фанида таълим мазмуни, ўқув материалларини танлаш принциплари, уларни структуралаштириш, жумладан, концепт-принципи асосида таълим мазмунини белгилаш кабилар бир қадар ўрганилган муаммолардандир.

Сўнгги йилларда педагогика фанига ўқувчилар билиш фаолиятини фаоллаштириш мақсадида ўқув материалларини концентризм тамойиллари асосида танлаш татбиқ этилмоқда. Бундай ўқув жараёнини психологик, дидактик ва методик жиҳатдан ривожлантириш имконини беради.

Ислохотлар жараёнида дарсликларда берилган ўқув материалларининг таркиби, мазмуни ва уларни структуралаш тамойили ҳам янгиидан белгилаб берилиши лозим. Мактаб таълимини инсонлар-варлаштириш муносабати билан ўқувчиларга тақдим этилаётган ўқув материаллари ва уларни ўзлаштиришга сарфланадиган вақтнинг қисқартириш назарда тутилади. Бироқ ўқув материаллари ҳажмининг қисқартириш ўқув предмети ёки ўқув курси мазмунини илмий жиҳатдан саёзлаштиришга олиб келмаслиги керак. Бўлининг учун

Укув материалларини концентризм тамойили асосида структуралаш-
тирилганда мувофиқдир.

Шу нуктаи назардан ёндашилганда, таълим мазмунини модернизациялаш жараёнида муайян ўқув предмети бўйича ўқув материалларини танлаш ва уларни концентризм тамойили асосида структуралаш муҳим дидактик аҳамиятга эга. Бу ўқув материалларини танлашга асос бўлган дидактик тамойилларга аниқ мантиқий таъриф беришни тақозо қилади. Чунки таълим жараёнига технологик ёндашувни татбиқ қилишда ўқув материалларини аниқ тамойилларга таянган ҳолда танлаш ва структуралаштириш муҳим аҳамият эгаллайди.

Ўқув материалларини лойиҳалаштириш учун қуйидаги усуллардан фойдаланиш эътироф этилган: предметли, моделли ва белгилии шакллар, мавзуларнинг структурали блок-чизмаси, таянч-конспектлар ва бошқалар. Бундай ҳолларда предметли моделлаштириш, график моделлаштириш, белгилии моделлаштириш, структурали блок-чизма кабилардан фойдаланилган. Шунги таъкидлаш лозимки, дарслик мавзуларини ихчамлаштириш ва муайян блокларга жойлаштириш орқали мустахкам ўзлаштириш ўқув материалнинг бир вақтнинг ўзида тўрт шаклда: график, сонли, рамзий ва лўғзакли усул асосида тақдим этилишига имкон яратлади.

Бунда таълим жараёнида ўқитиладиган ҳар бир ўқув предмети бўйича тушунчалар лугатининг зарурлигини ҳам таъкидлаш лозим. У дарслик ва ўқув қўлланмаларни асослаш, уларни яратишнинг янги имкониятларини аниқлаш, таълим натижаларини назорат этиш имконини беради. Шунингдек, у таълим мазмунини интеграциялашнинг янада юқори даражаларини таъминлаш ва технологик жиҳатдан ривожлантиришга шaroит яратади. Ўқув ахборотларини тизимлаштириш ва модуллаштириш муаммосини қуйидаги йўналишларда тадқиқ этиш долзарблашмоқда:

1) алоҳида ўқув фанлари, умуман таълим мазмунида ахборотларни тизимлаштириш ва муайян концентрларга жамлашнинг фазиро уйғун тизимини яратиш;

2) тақдим этилган ўқув аҳоиротлари блокининг нисбийлиги, бу аввало, янги билимларнинг юзага келиши ва ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, уларни ўзлаштиришга бўлган талаблар асосида ўқув ахборотлари мазмунининг қайта танланишини ифодалайди. Ўқув материалларини бундай лойихалаш, ўқитувчиларда билимларни баён этишнинг янги шакллариға ўтишга қарши фаолиятни

билан боғлиқ бўлган муайян ижтимоий сустреликни бартараф этишини талаб қилади.

Шунинг учун билимларни блокларга ажратиш ва яхлит тизимга солишда ўқув материалларини тизимлаштириш ва таҳлил қилишнинг асосий тамойилларига мувофиқ лойиҳалаштириш зарур. Ушбу тамойилни ўқув топшириқларини танлаш ва ўқувчилар томонидан ўқув материалларини ўзлаштирилишида ҳам ҳисобга олиш лозим. Чунки назарий материалларнинг мантикий асосларини ўрганиш жараёнида ўқувчилар унинг шаклланиш маромини кузатиш ва чуқур ўзлаштириш имконига эга бўладилар.

Ўқув курсини мантикий блокларга ажратиш ҳақиқатан аниқ ни яхши танланган ўқув топшириқларини изчил ўзлаштириш имконини беради. Уларни ўзаро таркибий қисмларга ажратиш натижа-сида эса ички алоқадорликларнинг чуқурлиги ва ҳар томонлама асосланганлиги, ўзаро уйғунлигини кўриш мумкин. Шу сабабли гносеологик принциплар асосида ўқув материалларини илмий асосланган ҳолда концентрларга ажратиш ва лойиҳалаш дидакти-канинг ўта долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Ўқув материални концентризм тамойили асосида танлаш натижасида қуйидаги дидактик афзалликлар вужудга келади.

1. Таълим жараёни субъектларида билимларни ўзлаштириш-га нисбатан дискрет, яъни узлуксиз ёндашув қарор топади.

Мазкур жараёнда ўқитувчи ҳар бир дарсда ўқув материал-ларини ўқувчилар билан ҳамкорликда таҳлил қилади. Ўқув мате-риаллари таркибидан асосий ҳамда иккинчи даражали тушунчалар, билим, маълумотлар ажратилади. Асосий элементлар меъёрида амал қилиб турган билимлар тизими мазмунидан иборат бўлса, иккинчи даражали элементлар меъёрида ишлаб турган билимлар тизими мазмунини ягона мантикий яхлит дидактик бирлик, яъни концентрга мужассамлаштиради. Концентр таркибидаги билимлар-нинг алоҳида қисмлари муайян бир дарсда янги мавзу сифатида ўрганилади ва бу жараёнда мазкур билимлар алоҳида аҳамият касб этиб, асосий билимларга айланади. Навбатдаги дарслардан эса, иккинчи даражали дидактик бирлик сифатида ўрганиладиган янги элемент олдингиларини кейингилар билан боғловчилик вазифасини ўтайди.

Билимларни қисмларга ажратишда қуйидагиларга таяниш мақсадга мувофиқдир:

а) билимларнинг дастлабки қисмлари;

б) билимларнинг асосий тушунчалар таркибига кирадиган қисмлари. Дарс жараёнида уларни ўзлаштириш ниҳоятда зарур, ақс-волда, кейинги ўқув материалларини ўзлаштириш имконсиздир;

в) билимларнинг муайян қисмлари ўқувчиларнинг дунёқа-рунларини шакллантириш имкониятига эга.

Билимларнинг етакчи, асосий қисмлари ажратилгач, ҳар бир ниҳоятдаги дарсда ўқув материални онгли ва мустақкам ўзлаш-тириш мақсадида ўқитишнинг нисбатан мустақил тизимини ташкил этиш мумкин.

2. Таълим жараёни субъектларига тақдим этиладиган билим-ларни ўзлаштиришга нисбатан функционал-тизимли ёндашув ҳам дидактик бирликларни яхлитлаш ва ягона концентрларга жамлашда мумкин аҳамиятга эга.

Ушбу ёндашув танланган билимлар ва ўқув материалларини таҳлил этиш, унинг ҳар бир қисмига хос бўлган вазифаларни аниқ-лаш, алоҳида аҳамиятга эга бўлган билимларни тизимлаштирган ҳолда муайян концентрга жамлаш, билимларни тизимли ўзлаш-тириш конуклари ҳамда ўқувчиларга билим беришда интеллектуал қўникмаларни шакллантиришнинг умумий воситаларидан фойдала-нишга асосланади.

Ўқувчилар ўқув материалларини муайян изчилликда ўрганиш жараёнида улардан билимларни ажратиб, уларнинг вазифаларини изохлашга ўрганишлари лозим. Шу тарика, ўқув курси ёки муайян бўлим бўйича билимлар ва уларнинг қисмларини қиссий таҳлил қилиш қўникмасини эгаллашлари зарур. Бунинг натижасида умумий вазифалар билимлар таркибидаги умумийликни тақозо этиши ва бундай қисмлар ҳосила билимларни эгаллаш имкония-тини беришини англаб етадилар. Шунинг учун ҳам муайян кон-центрларни ҳосил қилишда билимларнинг бажарадиган вазифаси мумкин омил ҳисобланади.

3. Ўқувчиларга тақдим этиладиган билимларни муайян кон-центрларга жамлашда тизимли-структурали ёндашув ҳам мумкин аҳамиятга эга.

Бундай ёндашувда танлаб олинган билимларнинг ўзаро мувофиқлиги ўта мумкин ҳисобланиб, ўз ичига ўзаро алоқадор тушунчалар ва маълумотларни камраб олади. Бунда билимларнинг таркиби ўқувчиларга тайёр ҳолда тақдим этилмайди, балки уларнинг хусусиятини изчил тарзда ифодаловчи динамик тизим сифатида тақдим этилади. Ўқув материални таҳлил этиш ва унинг

таркиби ҳақида тасаввур ҳосил қилиш уларни тезкор тушуниш ва самарали қўлашга имкон беради. Шу тариқа ўқувчиларга тақдим этиладиган билимларни самарали ўзлаштиришлари учун зарур бўлган изчил тизим вужудга келади. Ўқувчилар томонидан ўрганилаётган ўқув материалларнинг таркиби пухта ўзлаштирилади, билимларнинг мустаҳкамлиги ва англаб олинганлик даражаси таъминланади.

4. Ўқувчиларга тақдим этиладиган билимларни муайян концентрларга жамлашда тизимли-мантикий ёндашувга таяниш ниҳоятда зарур.

Ўқув материаллини мазкур ёндашувга таянган ҳолда концентрларга жамлашда кодлаштириш ва қисқартириш методидан фойдаланилади. Бу эса, ўқувчиларнинг образли тафаккурларига таянган ҳолда сўзлардан кўра белгиларни осонроқ хотирада сақлаб қолишлари, ўз навбатида белгилар ва уларни ифодаловчи сўзлар, фикрлар ва матн мазмунини тез эслашларига таянган ҳолда амалга оширилади. Тизимли-мантикий ёндашув ижодкор ўқитувчиларнинг "таянч концептлар" ва "таянч сигналлар" методларида ҳам ўз ифодасини топади.

Таълим мазмунини концентризм тамойили асосида танлашга тизимли-мантикий ёндашувнинг юкорида кўрсатиб ўтилган жиҳатларини таҳлил қилиш натижасида қуйидагиларга эришилади:

1. Ушбу тамойилларга таянган ҳолда ўқув материалларини концентрларга бирлаштириш натижасида ўқув жараёнини ўқувчи шахсига йўналтириш учун қулай дидактик вазият вужудга келади; бунинг учун тизимли-мантикий ёндашувга асосланган ҳолда, ўқув материалларини блокларга бирлаштириш ва уни ўқув жараёнига таъбиқ этишнинг илмий-методик асосларини ишлаб чиқиш тақозо қилинмоқда.

2. Тизимли-мантикий ёндашув асосида ўқув материалларини концентрларга жамлаш натижасида қуйидагилар аниқланди: а) катта ҳажмдаги ўқув материалларини ўқувчилар тўлиқ ўзлаштира олмайдилар, бунинг натижасида улар ўқув-билув жараёнида жиддий муаммоларга дуч келадилар; б) билимларнинг таркибини ўзлаштиришга нисбатан ўқувчиларнинг қизиқишлари ва интилишлари сусаяди.

3. Тизимли-мантикий ёндашув асосида ўқув материалларини концентрларга жамлаш ўқувчилар билимини тизимлаштиришга кўмаклашади. Шу билан бир қаторда, ўқув материалларини

концентрларга жамлашда дискрет ва тизимли-структурали ёндашуларга бир йўла таяниш мақсадга мувофиқдир.

Ўқув материалларини концентризм тамойили асосида танлаш ва лойихалашда тизимли-мантикий ёндашувга таяниш уларни мақсадга мувофиқ тарзда тартибга солиш ва таркиблаштириш ҳамда муайян концентрларга жамлаш имконини беради. Ўқув материалларини тизимлаштириш ва структуралаштириш уларни муайян концентрларга жамлаш ҳамда изчил, кўргазмали тарзда ўқувчиларга тақдим этиш учун қулайлик туғдиради. Бунинг учун ўқув материаллари мазмунини устида ишлаш уни муайян блокларга бирлаштириш асосида ўқувчиларга тақдим этиш натижасида ўқув жараёнида кафолатланган натижага эришиш мумкин. Ўқув материалларини блокларга ажратиш ўзига хос дидактик мақсадларга эга. Улар ўқув материаллини қулайроқ тақдим этишга кўмаклашадиган иллюстрациялардан тортиб кўшимча машқлар, топшириқларни бажариш имконини берувчи ўқув топшириғи мақсадига тааллуқли бўлади.

Ўқитувчи ўқув жараёнини бошқариши давомида ўқувчиларнинг концентризм тамойили асосида ўқув материалларини имкон қадар тўлиқ ўзлаштиришлари ва таълим натижасининг кафолатланишига эришиши зарур. Ўқув жараёни натижасини кафолатлашда ўқувчи, ўқитувчи ҳамда ўқув материаллари орасидаги мулоқот муҳим дидактик аҳамиятга эга.

Ўқувчилар ўқув материалларини кафолатланган натижа даражасида ўзлаштиришларини таъминлаш, бир томондан уларнинг мақсадга мувофиқ тарзда танланганлиги, иккинчи томондан, ўзлаштириш жараёнига ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаол иштирокини тақозо қилади.

Ўқув жараёни натижасини назорат қилиш ва баҳолаш ўқувчиларга тақдим этилган ўқув материаллари ва уларнинг ўзлаштирилганлик даражасига асосланган ҳолда белгиланади. Назорат ўқувчиларнинг ўқув материалларини ўзлаштиришлари ва ўқитувчининг мазкур жараёни бошқариши ўртасидаги икки томонлама алоқага асосланади. Бунинг натижасида ўқувчиларнинг ўқув материалларини ўзлаштириш даражалари, мазкур материалнинг ютуқ ҳамда камчиликлари аниқланади, уларни бартараф этиш йўллари кўрсатилади. Тақдим этиладиган ўқув материаллари, матнлар, машқлар ҳажм жиҳатдан кичик бўлиб, назоратнинг кўпвариантлiligи таъминланса, ўқувчи кафолатланган натижага

яқинлашади. Ўқув жараёни самарадорлигини таъминлаш учун ўқув материалларини тўғри танлаш ва лойиҳалаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки ўқув жараёнини ҳаракатлантирувчи асосий восита ўқув материалларидир. Ўқув материаллари ўқувчиларга муайян тизимга солинган блоklar тарзида тақдим этилиши керак. Ўқув материаллари таркибида турли даражадаги илмий ахборотлар, билимлар, тушунчалар изчил тизимга солинган тарзда баён этилади. Ўқув материаллари ўқувчиларга дарсликлар, ўқув қўлланмалари, қўшимча ўқув адабиётлари, аудио ҳамда видео визуал воситалар таркибиде тақдим этилади. Ўқув материалларида таълим мақсадлари ва ўқув фани мазмунини мужассамлашган бўлади. Шунга қўра, ўқув материалнинг мазмунини ўзида ўқув маълумотлари ва билимларини мужассамлаштиради. Ўқув материаллари ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, қизиқишлари ва илмий дунёқарашларига мос тарзда муайян изчилликда тақдим этилиши лозим.

Ўқувчиларга ўқув материаллари турли шаклларда тақдим этилади. Жумладан, мустақил ишлар, дидактик топшириқлар, ўқув саволлари, кўргазмали воситалар таркибиде, ахборотли, илмий оммабоп матнлар, машқ ва масалалар каби. Барча ўқув материаллари мазмунини билимлар, халқнинг ижодий тажрибаси, миллий-маънавий қадриятлар, шахслараро маданий муносабатлар, миллий ғоя ва дунёқарашнинг ифодаланиши, улар ягона блоklарини ташкил этишига эришиш лозим.

1. БУЛИМ. ЗАМОНАВИЙ ДАРСЛИКЛАРДА ТАҚДИМ ЭТИЛАДІГАН ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИНИ КОНЦЕНТРИЗМ ТАМОНИЛИ АСОСИДА СТРУКТУРАЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Ўқув материалларини структуралашнинг дидактик имкониятлари

Умумий ўрта таълим мактабларининг барча ўқитувчилари бир нақтанинг ўзида учта муҳим вазифани амалга оширадилар:

1. Қўн миқдордаги билимларни ўқувчилар томонидан самарали ўқиниририлишини таъминлаш.

2. Ўқувчиларда яхлит тизимли тафаккур асосларини шакллантириш.

3. Ўқувчиларнинг ақлий ривожланишлари учун қулай шароит яратиш кабилар.

Иланишлар шунини кўрсатадики, ҳар қандай фаолият чуқур фикрлаш, ахборотларни фаол ўзлаштириш, ҳар қандай мураккаб операцияларни сифатли бажариш ўқувчилардан ўз диққат-эътиборларини бир нуктага жамлашларини талаб қилади.

Ўқув фаолиятининг самарадорлик даражаси ўқитувчининг ўз ўқувчилари эътиборини жалб қилиш кўникмасида намоён бўлади. Ўқитувчи уларни ўз диққатларини режалаштириш ва структуралаштиришга ўргатиши лозим. Бунинг учун эса, биринчи навбатда, ўқув материалларини мақсадга мувофиқ тарзда структуралаштириш талаб этилади.

Маъмур структуралаштиришнинг моҳияти шундаки, ўқувчиларин ахборотларни идрок этиб, иш жараёнини лойиҳалаштира оладилар. Ахборотлар ўзгариши баробарида ўқув материаллари ҳам ўзгарилади. Ўқув материалларида муайян соҳага оид билимларни ажратиш талаб этилади. Улар:

1. Ўқувчилар диққатини жамлайдиган ўқув материаллари - бундай ўқув материаллари ёрдамида ўқувчиларнинг онги ривожланиши ва диққати марказлашади. Бундай ўқув материалларида ягона далил, ҳодиса, объект ўз ифодасини топиши лозим. Улар ўқувчилар томонидан далиллар ва ҳодисалар жамланмаси сифатида

идрок этилади. Бундай ходисалар диққатни таркиблаштириш моти-
ди орқали структуралаштирилади.

2. Диққат-этиборни яқинлаштириш, уйғунлаштириш ҳам
муҳим аҳамиятга эга. Бунда барча объектлар ёки далиллар гуруҳи
ўқувчи онгини назорат қилишга кўмаклашади.

3. Далилларни диққат-этибордан узоклаштириш бу онг ости
ходисасига мувофиқ келади. Унда ўқувчилар томонидан ўзлашти-
рилган барча ахборотлар сақланади.

Концентризм принципи асосида ўқув материалларини струк-
туралаштириш шу билан ҳам аҳамиятлики, бунда барча ахборот-
ларни бир йўла муайян ўқув материалида жамлаш имконияти
вужудга келади.

Мазкур ўқув материаллари ҳар бир ўқувчи учун қулай бўлиб,
уларга босқичма-босқич тақдим этилиши керак. Ўқув материал-
ларини танлаш ва структуралаштириш қуйидаги ёндашув асосида
амалга оширилиши керак:

1. Биринчи навбатда барча ахборотларни бир жойга жамлаб,
ўқув материали сифатида қайд этиш лозим.

2. Мазкур ўқув топшириқларининг кўламини кенгайтириш
учун уларга дастлабки тартибни синдириш талаб этилади. Бунда
дастлаб таянч ахборотлар устида ишлаш, топшириқларни типларга
ажратиш тақозо қилинади. Диққатни бир нуктага жамлаш орқали
ўқувчилар таянч ҳолатларни идрок этадилар. Шу орқали асосий
ҳолатлар иккинчи даражали ҳолатлардан фарқли тарзда ўқувчилар-
нинг ривожланишлари учун алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур
жараёнда ўқувчилар муайян ўқув топшириқларини ечар эканлар ўз
диққатларини таркиблаштирадидилар, уни онгли тарзда режалашти-
радидилар, шу асосда ўз фаолиятларини бошқарадилар.

Ўқув ахборотларини структуралашнинг асосий шарти ахбо-
ротларни моддийлаштиришдир. Ахборотларни излашда иккинчи
ўзаро қарама-қарши ҳолатни ҳисобга олиш лозим:

1. Бир томондан қараганда барча ахборотлар бир нуктага жамла-
ниши керак.

2. Иккинчи томондан тахлил жараёнида ахборотларни тизимлаш-
тирмаслик талаб этилади. Акс ҳолда ўқувчилар уни ўзлаштиришни
қийналадилар. Шунинг учун ҳам топшириқлар миқдорини қамий-
тириш талаб этилади.

Мазкур зиддиятларни бартараф этиш учун ўқув материал-
лари тақдим этиладиган барча ахборотларни таркиблаштириш

лозим. Структуралаштирилган ўқув материаллари ёрдамида ўқув-
чилар ўз диққатларини бир нуктага зудлик билан жамлайдилар ва
улар устида ишлаш усулларини эгаллайдилар.

Амалий ишлар жараёнида ўқувчилар ўз диққатларини бошқа-
ришга қуйидаги усуллар ёрдамида эришадилар:

Биринчи усул — диққатни жамлаш, уни тақсимлаш имконини
берадиган таянч ҳолатлар биринчи даражали аҳамиятга эга. Бу усул
ўқувчиларга ўқув материални ўзлаштириш ва эсда сақлашга
кўмаклашади. Масалан, Она тили дарсларида айни бир вақтнинг
ўзида ички ҳамда ташқи таянч материаллардан фойдаланиш
мумкин:

- вербал характердаги ўқув материаллари; улар: режалар,
тезислар, мантикий-таркибли чизмалар, таянч сўзлар ёки фикрий
ишоралар;

- чизмалар шаклидаги ифодалар; улар: ўқув материални куриш
режаси, чизмалар, диаграммалар, жадваллар, рақамлар, хронологик
жадваллар;

- иллюстрация шаклидаги таянч ифодалар; улар: расмлар,
портретлар, изоҳли расмлар туркуми, плакатлар кабилар.

Ўқувчиларнинг диққатини марказлаштиришга мос келадиган
таянч ўқув материалларининг катъий тартиби уни бошқариш
механизмларини мувофиқлаштиради. Бунда таянч ҳолатлар струк-
туралаштириш методидан фойдаланишда ёрдамчи манба сифатида
хизмат қилади.

Иккинчи усул — ўқув материалларини структуралаштириш.
Ўқув материаллари мазмунини лойиҳалаш уни шундай тартибга
солиш жараёни, бундай шартда таълим мазмунининг барча
қисмларини аниқ изчилликда жойлаштириш имконияти вужудга
келади. Мазкур материаллар тизимлилик принципи асосида
жойлаштирилади. Унинг ёрдамида ўқув материалларининг таркибий
қисми: далиллар, ходисалар муайян даражада тартиблаштирилади.
Бундай жадваллар, расмлар, чизмалар улар орасидаги муносабат ва
алоқадорликни ифодалайди.

У биринчи усул билан уйғунлаштирилганда самарали бўлади.
Чунки таянч нуктани топиш учун қўшимча ва иккинчи даражали
ўқув ахборотларининг қулай структураси вужудга келади. Таянч
манба кўмакда фикрлаш асосида сўзлар, иборалар ва гапларни
тушуниш осон бўлади.

Мазкур вазифани ечиш учун ўқув материалларини визуаллаштириш технологиясидан фойдаланиш лозим. Ўқув материалларини ўқувчиларга тақдим этишдан олдин уни махсус тайёрлаш лозим. Бунда ўқувчиларнинг ундаги асосий жиҳатларни кўра олишларига шароит яратиш талаб этилади. Визуаллаштириш ўқув материални дастлабки ҳолатда образлаштириш имконини беради.

Билимларни тақдим этишнинг барча типлари, моделлари ихчам тарзда берилиб, ўқувчиларнинг уни образли тарзда идрок этишларига кўмаклашади. Матнни ўрганиш, ўзлаштириш, у устида ўйлаш мазкур материални идрок этиш ва онгда гавдалантириш демакдир. Зарур ҳолларда ўқувчи матнни тиклаши, бошқа шаклга ўтириши мумкин. Бирок унинг сифати ва мустаҳкамлиги мазкур чизмаларнинг хотирасида қай даражада ўрнашганлигига боғлиқ. Бу ўта мураккаб педагогик жараён бўлиб, ўқувчиларни босқичма-босқич мазкур фаолиятга мослаштириш талаб этилади.

Ўқув материали моделни яратиш бу технологик хариталар тузиш, гуруҳлаш, чизмалар шаклига келтириш, боғланишли ҳолатларни вужудга келтириш каби усуллар ёрдамида амалга оширилади. Бунда қуйидаги қонуниятларга эътибор қаратиш талаб этилади:

- кенг кўламли ўқув материалларини ўқувчилар қийинчилик билан эслаб қоладилар;

- муайян тизим асосида ихчам жойлаштирилган ўқув материалларини ўқувчилар осонгина эслаб қоладилар.

- ўқув материали таркибиде самарали таянч қисмларни ажратиш уни муваффақиятли ўзлаштириш имконини беради.

Ўқув материалларини визуал тарзда ифодалаш нафақат иллюстратив, балки когнитив вазифани ҳам бажаради. Бу ўқув материалларини ўзлаштириш жараёнида ўқувчиларнинг уни образли идрок этишларини таъминлайди. Таянч тушунчаларни ихчамлаштириш ўзлаштирилган билимларни тизимлаштириш имконини беради.

Ўқув материалларини тизимлаштириш ва структураллаштиришда ўқувчиларнинг диққатини бошқариш, структуралаш методлари ёрдамида уни режалаштиришни таъминлайди. Бу, ўз навбатида, ўқувчиларнинг билиш қобилиятларини ривожлантириш, уларни яратувчиликка ундаш имконини беради. Уларда билиш усулларини ҳисобга олиш кўникмаси ҳосил бўлади. Ақлий имкониятларга таянган ҳолда ўқув материали мазмуни ва иш шаклларини танлаш лаёқати намоён бўлади. Ўқувчиларда ўқув материалларини

ёзлаштириш тажрибаси, билиш майлларининг имкон қадар тўлиқ намоён бўлиши ўқув топшириқларини муваффақиятли ечиш имконидир.

Дарсликларнинг дидактик вазифалари тизимлаштиришнинг мақсади таълим жараёнига ахборот оқимларининг кўллаб жалб этилиши муносабати билан кучайиб бормоқда. Бу эса ўқув материалларини интеграциялаш ва умумлаштиришни тақозо қилмоқда. Ўқув материалларини танлаш ва структуралаш дарсликни режалашга алоқадор ҳолатдир. Бу эса таълим жараёнини йўналтириш асосида келиб чиқади.

Бугунги кунга келиб, ўқув материалларини концентризм принципини асосида лойиҳалаш илмий манбаларда етарлича асослаб берилмаган. Мазкур принцип ўқув материали ва таълим мазмунини аниқлаб аниқлаш, баён этиш, тақомиллаштириш лозимлигини инфолативчи меъёрий асосдир.

Ўқув материалларини концентризм тамойили асосида структуралаш қуйидаги принципларга таянилади: бу жараёнлилик ва режалашлик принципларидир.

Мазкур принципларни қўллаш асоси сифатида концептуал йўналишларга таянилади. Дарслик таълим жараёнининг сценарийси сифатида намоён бўлиши керак. Бир қатор дидактик ғоялар ўқув жараёни самарадорлигини оширишнинг умумий масалаларига боғлиқланган. Умумтаълим мактабларида мавжуд бўлган дарсликларнинг таҳлили шунини кўрсатмоқдаки, уларнинг янги типлари ва моделларини ишлаб чиқишга кучли эҳтиёж мавжуд.

Ўқув материалларини танлаш ва структураллаштиришда жараёнлилик принципи ўқув материалларининг ҳар бир бўлаги таълим мазмунининг барча элементлари билан боғлиқ ҳолда унинг таркибий қисми сифатида намоён бўлади ва бу, ўз навбатида, ўқувчиларнинг билимларини ўзлаштириш жараёнига сезиларли таъсир кўрсатади. Ўқув материалларининг муайян қисмини ўзлаштириш жараёнида унинг кейинги элементларини билиб олиш тақозо қилинади. Бунда ўқув материалларининг аниқ блокларга жамланиши муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўқувчиларнинг бутун ўқув материалини кейинги синфларда ўтиладиган қисмларига таълим идрок этишларига имкон беради.

Жараёнли ёндашувнинг асосий жиҳатлари таниқли педагог Д.В.Занков томонидан ишлаб чиқилган эди. Мазкур ёндашувлар, айниқса, шахсга йўналтирилган таълим жараёнида қўлланиладиган

дарсликларни яратиш ва унда тақдим этиладиган ўқув материалларини лойиҳалашда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу принцип ёрдамида нафақат муайян ўқув предметининг ичида, балки ўқув предметлариаро боғланиш таъминланади. Бунда дарслик муаллифларининг эътибори ўқув материалларини блокларга ажратиш, улар орасидаги алоқадорликни таъминлаш, муайян концентрларга тақсимлаш, мақсадга мувофиқ тарзда лойиҳалаш, ўқувчиларнинг эътиборини эса ўзлаштирилган билимларга жалб этиш учун қулай шароит яратилади. Шу асосда ўқувчилар кенг қўламли тақомиллашган билимлар ва ахборотларни ўзлаштириш жараёнига киришадилар.

Бошланғич синф Она тили ва Ўқиш дарсликларида ўқув материалларини структуралашда жараёнлилик принциплари ҳам асосланилади. Бунда ўзлаштиришнинг босқичма-босқичлиги, билимларни ўзлаштириш асоси сифатида ажратиш, уларни истикболда ривожлантиришнинг тадрижийлигига эътибор қаратилади. Бунда ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини жадал ривожлантириш имкониятлари кенгайтирилади. Ўқув материалли матн билан боғлиқ ҳолда топшириқларни танлаш, уларни машқлар билан боғлаш, тизимлаштириш ва умумлаштириш кўникмалари ҳосил қилинади.

Тахлиллар шунинг кўрсатадики, ҳар бир матн кириш, асосий қисм, хулосадан иборат бўлиб, сарлавҳалар ва параграфлар орасида боғланиш таъминланган бўлиши керак. Матннинг бир қисми ўзлаштирилган билимларни умумлаштирган бўлиб, бу ўқувчиларнинг билимларини тизимлаштириш учун алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу яхлит параграфлар ёки 2-3 гапдан иборат матнлар сифатида дарсликларда тақдим этилган ўқув материаллари таълим мазмунининг назарий қисмига алоқадор бўлиб, ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш ва тизимлаштириш учун муҳимдир. Такрорий-умумлаштирувчи матнлар ўзлаштирилган билимларнинг тадрижийлигини таъминлаш учун зарурдир. Бу эса ўз навбатида таълим мақсадига эришиш учун муҳим ҳисобланади. Ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган билимлар уларни чуқурлаштириш ва ривожлантириш учун муайян даражада аҳамият касб этади. Аксарият ҳолларда мазкур вазифани кичик матнлар бажаради. Бунда ўқувчиларга билиш жараёнининг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида мурожаат қилиш учун қулай шароит яратилади.

Тушунтириш характеридаги матнларда нафақат ўқув предметининг мантиқи очилади, балки унинг мазмунини қисмлар, блоклар, параграфларга ажратиш имкониятлари таҳлил этилади. Шу билан бир қаторда ўқув предмети мазмунини мазкур бўлимнинг тутган ўрни очиб берилади. Тушунтириш матнлари ўқувчиларга ўқув материаллини мувофиқлаштирувчи ва тадрижий алоқадорлигини таъминловчи ҳолатлар ўқув курси ҳамда таълим мазмунини доирасида очиб берилади.

Ўзлаштириладиган билимлар ва ахборотларнинг матн доирасидаги алоқадорлиги унинг ўқув предмети, мазмунини ҳамда дидактик мантиқини ҳам ифода қилади. Ўқув воситалари сифатида умумлаштириш ва тизимлаштириш фаолияти матнга муаммоли топшириқлар, саволлар ҳам мужассамлаштириладики, уларга ўқувчилар индуктив ва дедуктив усуллар ёрдамида жавоблар излайдилар. Матнли топшириқлар ўқувчиларни таҳлил қилиш, қийёлаш, чоғиштириш, умумий ҳолатларни қисмларга бўлиш, турли тушунчаларни ўзаро бир-бирдан ажратиш, тизимлаштириш операцияларини бажаришга ундайди. Умумлаштирувчи матнлар ўқувчиларда воқеликни яхлит идрок этиш ва изчил мантиқий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

Режалаштириш принципи ҳам ўқув материалларини структуралаштиришда ўз ўрнига эга. Чуқурлаштирилган таълим дастурларида таълим мазмунига асосланган лавҳаларнинг намоён бўлиши параграфлар, бўлимлар, ўқув курслари шаклида ифодаланади. Дарсликда таълим мазмунининг таркибий қисмлари ёрдамида кириш, асосий матнлар, мавзуларни ўрганиш режаси, таянч жадваллар ёрдамида ўқув материалларининг таркибий қисмлари, мазмунини ва структураси баён этилади. Ўқув предмети ичидаги ўқув курслари орасидаги алоқадорликни таъминлашда мазмуннинг асоси, мавзуга доир асосий саволлар ҳамда билимларнинг турли элементларини ўзлаштириш ҳақидаги тахминлар:

- тушунчаларни ойдинлаштириш;
- қонунларни шакллантириш;
- далилий маълумотларни келтириш талаб этилади.

Билимларни тизимлаштириш қондаларига онгли тарзда амал қилиш ўқув материалларини структуралаштириш самарадорлигини таъминлайди. Қурсатилган ёндашувлар туфайли таълим мазмунини қўқувчиларнинг ақлини янада эришилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ОՐТА МАХСУС ТАՕЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРСИҚ
ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
АХБОРОТ РЕСУРС МАРКАЗИ
1-ФИЛИАЛИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ОՐТА МАХСУС ТАՕЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРСИҚ
ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
АХБОРОТ РЕСУРС МАРКАЗИ
1-ФИЛИАЛИ

Мазкур принцип, биринчи навбатда, дарсликнинг қуйидаги қисларида ўз аксини топиши керак: режалар, кириш матнлари каби. Мавжуд дарсликларнинг тахлили шуни кўрсатдики, уларнинг қўпчилигида кириш матнлари мавжуд эмас. Бир абзацдан иборат киришдан бутун бошли матнларгача муайян мантиқий асосга эга бўлган таркибий қисмлардан ташкил топмаганлиги аён бўлди. Ўқув курси мазмунини баён этишда режаллик ўз аксини топмаган. Шунингдек, дарсликларда кириш матнлари жуда камдан-кам ҳолатларда берилган. Уларда ўқув матнни очишнинг мазмунини ва жараёنли кўрсаткичлари ифодаланмаган.

Режаллик принципини амалга ошириш натижасида таркибли кўرғазмали чизмалардан ҳам фойдаланиш лозим. Уларда ўқув материални ўзлаштиришга мўлжалланган олдиндан тахмин қилинган мантиқли-мазмунли, таркибли-функционал боғланишлар ўз аксини топади.

Дарсликларда бериладиган ўқув материалларини танлаш ва структуралаш алоҳида дидактик қимматга эга. Дарсликни лойиҳалашнинг дастлабки босқичида ўқув материалларини ўзлаштириш учун ажратилган блоklar алоҳида-алоҳида ўқув элементларига бўлинади. Ўқув элементлари сирасига ўқув объектлари, ходисалар, тушунчалар, методлар, фаоллят турлари, ўқув фани дастурида ўрин олган маълумотлар киритилади.

Ўқув материаллари жамланмаси турли чизмаларда ҳам ифодаланиши мумкин. Ўқув материали мазмунини ифодаловчи чизмалар бўлиб, у тадрижийлик принципи асосида таркиблаштирилади. Мазкур чизманинг тармокларини ўқув элементлари ташкил қилади. Улар орасида тадрижий алоқадорлик мавжуд. Мазкур чизмани шакллантиришда ўқув материалларининг тадрижийликка асосланган таркибини тўғри шакллантириш талаб этилади. Улар:

- чизма ягона илдиэга эга, шунинг учун ҳам мавзу номида ўз ифодасини топади;
- ўқув материалнинг негиздан ташқари унинг алоҳида бўгинлари билан боғланмаган матнлар ҳам берилиши мумкин;
- ўқув материаллари орасидаги алоқа юқоридан пастга қараб амалга ошади;
- қўйи поғонадаги ўқув элементни фақат ўзидан юқоридаги биргина ўқув элементни билан боғланиши мумкин;
- муайян даражада ўқув материалларини гуруҳлаштириш аниқ бир умумий белги асосида амалга ошади;

- ўқув материалнинг юқоридаги элементи эса ўзидан қуйидаги камида иккита ўқув элементи билан боғланади.

Ўқув материали таркибини лойиҳалаш ҳам муҳим дидактик аҳамиятга эга. Ўқув материалларининг қурилиши концентризм принципини қўлашни тақозо қилади. Концентризм принципи доирасида турли ўқув материаллари орасидаги муносабат мантиқий боғланиш асосида таъминланади. Мантиқий тизимлаштиришда ўқув материаллари орасидаги муносабат кетма-кетлик, сабаб-оқибат муносабатлариаро боғланиш, келишиш, ўзаро бўйсиниш, ўхшашлик характериға эга.

Ўқув материалларининг мантиқий қурилишида мантиқий тизимлилик ва мантиқий структуралилик йўналишлари ажратилади. Тизимли мантиқий изчиллик 5-9-синф дарсликларида бериладиган ўқув материалларини структуралашда қўлланилади. Айни бир ўқув предметга мансуб бўлган таълим мазмунини элементлари орасида бир хилдаги алоқадорлиқни таъминлаш мумкин. Бунда муайян ўқув предметдан тақдим этиладиган билимлар йиғиндисидан зарур маълумотлар танлаб олинади. Мазкур асосий билимлар чизикли қурилиш тартибига эга. Уларнинг миқдори ва сифати таълим даражаси билан боғлиқ бўлади. Мазкур принцип асосида бугунги кунга қадар аксарият дарсликларда берилган ўқув материаллари структуралаштирилган.

Мавжуд тадқиқотларда таъкидланишича, ўқув материалнинг мазмунини ўз қурилишига кўра турли-туман бўлади. Шунинг учун ҳам таълим мазмунини турлича элементлар доирасида тақсимлаш мақсадга мувофиқдир.

Ўқув материалларини таркибий қисмлар ва блоklarга ажратишда давлат таълим стандартларига амал қилиш талаб этилади. Бунда ўқувчиларнинг ҳиссий таърибаларига таяниш ҳам ўқув материалларини кичик қисмларга ажратишда асосий ўринни эгаллайди. Таниқли дидактишунос И.Я.Лернернинг таъбирича, таълим мазмунини қуйидагича кўринишга эга бўлган билимларга ажратилади: асосий атамалар ва тушунчалар, кундалик фаоллята доир далиллар ва илмий далиллар, фanning асосий қоидалари, назариялар, методологик билимлар, баҳоловчи билимлар каби. А.В.Усова эса билимлар тизимининг бир қатор ўзига хос элементларини ажратиб кўрсатади: илмий далиллар, тушунчалар, қонунлар, назариялар, дунёнинг илмий манзараси каби.

куйдагиларни ёзган эди: «Олимлар орасида дарслик ёзишга пастроқ бир илмий иш сифатида қараш иллати бор... Ахир дарсликларда миллат фикрининг, миллат тафаккури ва миллат мафкурасининг энг илгор намуналари акс этиши керак эмасми? Хар бир соҳа бўйича дарсликни ўша фаннинг атоқли вакиллари ёзмайдиларми?»

Биз дарслик яратишга энг илгор ва энг шарафли вазифа сифатида қарашимиз, яхши дарслик яратган одамларни бошимизга кўтаришимиз керак. Дарсликни, агар керак бўлса, катта танлов асосида яратиш лозим. Танлов ғолибларидан маблағни аямаслигимиз лозим».

Янги авлод дарсликлари илгор принциплар асосида яратилиши лозимлигини даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Шундай принциплардан бири – концентризм принциpidир. Концентризм – лотинчадан олинган сўз бўлиб, “concentrum” “умумий марказга эга бўлган” деган маънони англатади. Концентризм принциpi битта умумий марказга йиғилган таълим мазмуни, таълим назариясида ўқув предметининг муайян курсидаги ўқув материалнинг алоҳида-алоҳида блок(гурух)ларга ажратилган ҳолда берилишини ифодалайди. Қайсиким, ушбу блоклар муайян ўқув предмети бўйича белгилаб бериладиган ўқув материалнинг ҳажмини ифодалайди. Шу маънода концентризм принциpi асосида белгилаб бериладиган ўқув материалнинг мазмуни ўқувчиларга тақдим этиладиган ўқув материалларининг ҳажми ва миқдорини белгилаб бериш имконини яратади. Концентризм принциpi шу билан характерланадики, бу принцип асосида ўқув материалларини ўзида мужассамлаштирган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларида матнлар, машқлар ва масалалар, савол-жавоблар, таълимий топшириқлар тадрижий асосда муайян изчилликда тақдим этилади. Ўқув материалларини танлашда концентризм принциpiга таяниш натижасида ўқув материаллари аниқ концентрга мужассамлаштирилган ҳолда муайян кетма-кетликда жойлаштирилади. Бу, ўз навбатида, ўқувчиларда ўқув кўникмаларининг яхлит тарзда ривожланиб боришига имкон беради. Концентризм принциpi асосида танланган ўқув материаллари тизимида айни бир ахборот, билим ва тушунчаларнинг турли даражада ифодаланиши намоён бўлади. Бунда ўқув материаллари тизимидаги билим ва тушунчалар концентр характердаги таълим мазмуни доирасида, таълим жараёнининг муайян босқичларида ўқувчиларнинг ёш ва тараққиёт даражалари, фикрни англаш ва уни ифодалаш билан боғлиқ эҳтиёжлар ҳамда имкониятларни ҳисобга

Изданишларимиз шунини кўрсатадики, дарслик назарияси бўйича тадқиқотларни амалга оширган мутахассислар билимларни тизимлаштиришнинг турлича кўринишларини тақлиф қилганлар. Ўқув материалларини структуралашнинг асосини эса ўқув предмети доирасида тақдим этиладиган илмий билимлар тақкил этиши лозим. Улар сирасига далиллар, ҳодисалар, жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари, катталикларни киритиш мумкин. Ўқув материалларини куйидагича структуралаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Унинг ёрдамида ўқувчиларда нафақат ўқув предметида оид билимлар, балки методологик билимлар ҳам тақдим этилиши керак. Жумладан, илмий билимлар таркиби ҳақидаги маълумотлар, уни тизимлаштириш усуллари шулар жумласига киради.

Бизнингча, ўқув материалларининг энг мақбул структураси интеграллашган дидактик модел бўлиб, унда барча билимлар муайян блокларга ажратилган ҳолда концентризм принциpi асосида жойлаштирилади. Бунда ўқув материалнинг баёни билиш цикллари асосида ҳодисаларни ифодалашнинг тўрт йўналишида баён этилади: сифати, миқдори, мавжудлиги ва амалий йўналишларда. Бунинг натижасида билимларни алоҳида блокларга ажратган ҳолда қисмларга бўлиш имконияти вужудга келади. Бунда зарур қисмлар таркиблаштирилади: алоҳида далиллар, тушунчалар, қонунлар шулар жумласидандир. Шу билан бир қаторда мазкур блоклар ўқув материалларини қисман баён қилиш характерига эга эмас. Бу эса ўқув материалнинг ўқувчилар томонидан ижобий ўзлаштирилишини таъминлайди.

1.2. Ўқув материалларини структуралашнинг педагогик йўналишлари

Азал-азалдан дарсликлар яратиш, ундаги ўқув материалларини структуралаш билан миллатнинг энг илгор вакиллари, зиёлилар шўғулланиб келганлар. Собиқ совет ҳокимияти йилларида дарсликлар, уларга киритиладиган ўқув материаллари марказлашган ҳолда структуралаштирилди. Бунинг натижасида ўзбек халқининг миллий маданияти, руҳияти, менталитети ўқув материалларида акс эттирилмади. Шу билан бир қаторда, олимлар орасида дарслик яратишга иккинчи даражали иш сифатида қараш таркиб топти. Бунини ўз вақтида пайкаган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов «Баркамол авлод орзуси» китобида

олган ҳолда тақсимланади. Шу нуктаи назардан ёндашилганда, бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаши, сўз бойлигининг бир қадар жадал ривожлантирилиши кўзда тутилади. Чунки, бу даврда ўқувчиларнинг сўз бойлиги ва ёзма нутқини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш эҳтиёжи мавжуд.

Бошланғич таълим тизимида ўқув материалларини концентризм принципига асосланган ҳолда белгилаб бериш натижасида таълим тизимида аниқ блокларни ташкил қилувчи таълимий материалларни ажратиш имконияти яратилади. Концентризм принципида танланган ўқув материалларининг афзаллиги шундаки, бундай ўқув материалларининг ўқувчилар томонидан тўлиқ ўзлаштирилишига эришилади. Концентризм принципи асосида ўқув материалларини танлашнинг афзаллиги шундаки, бундай материаллар ўқувчилар томонидан қуруқ ёдланмайди, балки аниқ, ўзаро боғланган кетма-кетликда ўзлаштирилади. Ўқув материалларини концентризм принципи асосида танлашнинг ўзига хос жиҳати шундаки, айти бир тушунча ва таърифни бир вақтнинг ўзида ҳар томонлама чуқур ўзлаштириш мумкин эмас. Мазкур тушунчанинг барча томонларини муайян концентрлар доирасида ўрганишни назарда тутган ҳолда ўқув материалларини танлаш, дарсликларни таркибий жиҳатдан тақсимлаштириш ва таълим жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Ўқув материалларини муайян концентрлар доирасида тақдим этишнинг бошланғич босқичида, ўқувчиларнинг билимларни ҳиссий қабул қилишлари, уларнинг таълим жараёнида тўплаган нутқий кўникмалари ва малакалари тизимли тарзда ривожланади.

Ўқув материалларининг тадрижий асосда, изчил тақдим этилиши концентризм принципининг ўзига хос хусусияти бўлиб, бу ўқувчилардаги билим, кўникма ва малакаларнинг ривожланишига асос бўлади. Шунга қўра, дарслик ва ўқув қўлланмаларда бериладиган ўқув материалларини концентризм принципи асосида танлашнинг дидактик асослари, концентр характердаги дарсликлардаги ўқув материалларини структуралаш масалалари ўз ечимини қутмоқда.

Педагогика фанида таълим мазмуни, ўқув материалларини танлаш принциплари, уларни структуралаштириш, жумладан, концентризм принципи асосида таълим мазмунини белгилаш кабилар бир қадар ўрганилган муаммолардандир. Бу муаммонинг

баъзи кирралари Н.В.Борисова, С.И.Гессен, С.Джумадурдыев, А.Н.Джуринский, В.К.Дьяченко, Л.В.Жарова, В.И.Загвязинский, Л.В.Занков, Л.Я.Зорина, А.Н.Круткий, И.И.Нурминский, Г.И.Рувин, М.Н.Скаткин, Э.Стоунс, А.И.Уман, А.В.Усова, В.Ф.Шаталов, П.М.Эрднеев кабиларнинг ишларида бир қадар ўрганилган.

Ўқув материалларини концентризм принципи асосида танлаш, дарслик яратилганда ўзига хос дидактик тамойилларга риоя қилиш Р.Сафарова, Д.Шодиев, М.Рискиева, дарсликнинг мазмунан ва шаклан ўқувчи шахсига йўналтирилиши А.В.Хуторский, дидактик лойиҳалаш жараёнида таъриф ва қондаларни ўқувчилар учун тушунарли тилда тақдим этиш, дарслик ҳажми, ўқувчиларда ўқиб-ўрганиш кўникмаларини мустаҳкамлаш учун бериладиган материалларнинг назарий ва амалий қисмларини аниқ чегаралашга аҳамият бериш М.Х.Махмудов, дарслик воситасида илгор педагогик технологиялардан фойдаланишни назарда тутиш, унинг таълим жараёни ахборотли модули сифатида намоён бўлишига эришиш У.Мусаев, бошланғич таълим мазмунини прогностика қилиш Р.Нуржановалар томонидан ўрганилган.

Бугунги кунда бошланғич таълим тизимида бир қатор камчиликлар, бўшлиқлар кўзга ташланади. Бундай камчиликлар жумласига ўқув материалларини танлаш ва структуралаштириш принциплари, дидактик асослари ишлаб чиқилмаганлигини кўрсатиш мумкин. Бунинг натижасида ўқув материалларини танлашда ягона ёндашувга амал қилинмаяпти. Бунинг учун, биринчи навбатда, ўқув материалларини танлаш ва структуралаштиришнинг мақбул принципини аниқлаб олиш ва бу принципини назарий жиҳатдан асослаш мақсадга мувофиқдир. Бундай принцип ёрдамида танланган ўқув материаллари ҳар бир ўқувчининг ўқиш, билим олиш эҳтиёжини қондира олиши керак. Мазкур шароитда аънавий ўқитиш методлари билан инновацион методлар орасида номуносиблик вужудга келади. Ушбу ҳолат педагогик жараённинг боришига ҳам таъсир кўрсатади.

Ислохотлар жараёнида дарсликларда берилган ўқув материалларининг таркиби, мазмуни ва уларни структуралаш принциплари ҳам янгидан белгилаб берилиши лозим. Мактаб таълимини инсонпарварлаштириш муносабати билан ўқувчиларга тақдим этиладиган ўқув материаллари ва уларни ўзлаштиришга сарфланадиган вақтни қисқартириш назарда тутилади. Бироқ, ўқув материаллари ҳажмини қисқартириш ўқув предмети ёки ўқув курси

мазмунини илмий жиҳатдан саёлаштиришга олиб келмаслиги керак. Бунинг учун, ўқув материалларини концентризм принципи асосида структуралаш мақсадга мувофиқдир.

Шу нуктаи назардан ёндашилганда, таълим мазмунини модернизациялаш жараёнида муайян ўқув предмети бўйича ўқув материалларини танлаш ва уларни концентризм принципи асосида структуралаш муҳим дидактик аҳамиятга эга. Бу ўқув материалларини танлашга асос бўлган дидактик принципларга аниқ мантикий таъриф беришни тақозо қилади. Чунки, таълим жараёнига технологик ёндашувни татбиқ қилишда ўқув материалларини аниқ принципларга таянган ҳолда танлаш ва структуралаштириш муҳим ўрин эгаллайди.

Ўқув материалларини танлаш ва структуралаштириш ҳозирги замон дидактикасининг муҳим масалаларидан биридир. Шунинг учун ҳам, бу муаммо кенг қўламли тадқиқотларни амалга оширишни талаб қилмоқда. Ўқув материалларини танлаш ва структуралаш муаммолари бўйича Д.Шодиев, Р.Сафарова, М.Х.Махмудов, Б.Ади-зов, Н.В.Борисова, С.Джумадурудыев, В.К.Дьяченко, Л.В.Занков, Л.Я.Зорина, Л.Клинер, А.Н.Круткин, И.Я.Лернер, И.П.Подласый, Е.С.Полат, М.Н.Скаткин, Э.Стоунс, А.И.Уман, А.В.Усова, Л.М.Фридман, И.Ф.Харламов, В.Ф.Шаталов, П.М.Эрдннев, И.С.Якиманская кабилар шуғулланганлар.

Танланган ва структуралаштирилган ҳар қандай ўқув материал ўқувчиларда энг аввало ДТСда назарда тутилган билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилиши керак. Ўқув материаллари муайян мезонлар ва принципларга таянган ҳолда танланиши ва структуралаштирилиши лозим. Худди мана шу принцип ва мезонларга таянган ҳолда ўқув курслари мазмунини ҳам танланади. Бироқ, кузатишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, аксарият ҳолларда ўқув материалларини танлаш ва структуралаштиришда муайян мезонларга амал қилинмапти.

Аксарият ҳолларда ўқувчиларга тақдим этиладиган ўқув материаллари хусусийдан-умумийга, қисмдан-бутунга қараб бориш принципіга таянган ҳолда танланганлигининг гувоҳи бўламиз. Тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, ўқув материалларини муайян концентрлар асосида танлаш ва структуралаштириш аниқ далиллар ҳамда дидактик қонуниятларга таянган ҳолда амалга оширилади. Хусусийдан-умумийга қараб бориш принципи асосида танланган ўқув материаллари билимларни умумлаштириш, уларни изчил

тизимга солиш, мазкур билим ва тушунчаларнинг таркибини англаш каби ҳолатларга имкон бермайди. Бундай шароитда ўқувчилар нима асосий, қайси тушунча иккинчи даражали, муайян ҳолатнинг сабаби ва оқибати нимадан иборат, қайси қонуний муҳим, қайсиси эса унинг таркибий қисмига кирази, муайян шароитда ишончли ҳаракат қилиш учун қандай билимлар ва ҳолатларни ўрганиш керак, хатолар, ноаниқликлар, ахборотларнинг кетма-кетлиги ва узвийлиги қаерда кўринади, деган саволларга аниқ жавоб топа олмайдилар. Бундай шароитда ўқувчилар эгаллайдиган билимлар динамик характер касб этмайди. Агар ўқувчи тақдим этилган билимлар иерархияси ва узвийлигини аниқ ҳис этса, уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва бир-бирига таъсирини англаса, бу билимлар муайян кўникма ва малакага айланади.

Ўқувчиларнинг тарқок ва узук-юлук билимларини жамлаш ва тизимга солиш учун шундай иш усулини танлаб олиш керакки, натижада бу ўқувчининг фикрлаш тарзини яхлит ривожлантириш имконияти таъминланиши лозим.

Ўқув ахборотларини муайян изчилликда жамлаш, ихчамлаш, уларни ўзлаштириш учун қулай ҳолатга келтириш замонавий дидактикада жуда долзарб масала ҳисобланади. Ахборотларнинг ҳаддан зиёд қўллиги муаммо даражасига кўтарилган бутунги кунда билимларни тақдим этиш ва улардан фойдаланишда самардорликка эришиш муҳим аҳамият касб этади. Ўқув материаллари ва ахборотларни структуралаштирган ҳолда ўқувчиларга тақдим этиш соҳасида кенг қўламли тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда билимлардан амалий фойдаланиш, уларни ўзлаштириш, тақдим этиш соҳасида ҳам изланишлар олиб борилмоқда. Бу билимларни фаоллаштириш имконияти сифатида эътироф этилмоқда. Билимларни тақдим этишнинг ихчам, компакт моделларини яратиш соҳасида изланишлар олиб борилмоқда. Билимларни концентрлар ёрдамида тақдим этиш, уларни мантикий моделлар, семантик тармоқлар ёрдамида ўқувчиларга етказиш кабилар шулар жумласидандир. Лекин дарсликларга бундай технологияларни сингдириш бир қадар мураккаб.

Ўқув ахборотларини жамлашнинг самарали усуллари педагогик-психологик ёндашувларда, хусусан, ўқув материалларини умумлаштириш, билимларни муайян тизимга солиш Д.Шодиев, Р.Сафарова, П.Мусаев, У.Мусаев, В.В.Давыдов, Д.Б.Эльконин,

дидактик бирикларни йириклаштириш П.М.Эрдиев кабиларнинг ишларида ўз ифодасини топган.

Ўқув материалларини структуралаштириш учун қуйидаги усуллардан фойдаланиш этироф этилган: предметли, моделли ва белгили шакллар, мавзуларнинг структурали блок-чизмаси, таянч конспектлар ва бошқалар. Бундай ҳолларда предметли моделлаштириш, график моделлаштириш, белгили моделлаштириш, структурали блок-чизма кабилардан фойдаланилган. Шунини таъкидлаш лозимки, дастур мавзуларини ихчамлаштириш ва муайян блокларга жойлаштириш орқали мустаҳкам ўзлаштириш ўқув материалларининг бир вақтнинг ўзида тўрт шаклда: график, сонли, рамзий ва оғзаки усуллар асосида тақдим этилишига имкон яратлади.

Бунда бошлангич таълим жараёнида ўқитиладиган ҳар бир ўқув предмети бўйича тушунчалар луғатининг зарурлигини ҳам таъкидлаш лозим. У дарслик ва ўқув қўлланмаларни асослаш, уларнинг яратишнинг янги имкониятларини аниқлаш, таълим натижаларини назорат этиш имконини беради. Шунингдек, у таълим мазмунини интеграциялашнинг янада юқори даражаларини таъминлаш ва технологик жиҳатдан ривожлантиришга шароит яратди. Ўқув ахборотларини тизимлаштириш ва структуралаштириш муаммосини қуйидаги йўналишларда тадқиқ этиш долзарблашмоқда:

3) алоҳида ўқув фанлари, умуман таълим мазмунини ахборотларни тизимлаштириш ва муайян концентрларга жамлашнинг ўзаро уйғун тизимини яратиш;

4) тақдим этилган ўқув ахборотлари блокнинг нисбийлик, бу аввало янги билимларнинг юзага келиши ва ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, уларни ўзлаштиришга бўлган талаблар асосида ўқув ахборотлари мазмунининг қайта танланиши; ўқув материалларини бундай структуралаш, ўқитувчининг билимларни баён этишнинг янги шаклларига ўтишга қарши фаолияти билан боғлиқ бўлган муайян ижтимоий сустреликни бартараф этишни талаб қилади.

Шунинг учун билимларни структуралаштириш ва яхлит тизимга солишда ўқув материалларини тизимлаштириш ва таҳлил қилишнинг асосий принциплари мавзофик структуралаштириш зарур. Ушбу принципни ўқув топшириқларини танлаш ва ўқувчилар томонидан ўқув материалларининг ўзлаштирилишида ҳисобга олиш лозим. Чунки, назарий материалларнинг мантикий асосларини ўрганиш жараёнида ўқувчилар унинг шаклланиш маромини кузатиш ва чуқур ўзлаштириш имконига эга бўлади.

Ўқув курсини мантикий структуралаш ҳақиқатан аниқ ва яхши танланган ўқув топшириқларини изчил ўзлаштириш имконини беради. Уларни ўзаро таркибий қисмларга ажратиш натижа-сида эса ички алоқдорликларнинг чуқурлиги ва ҳар томонлама асосланганлиги, ўзаро уйғунлигини кўриш мумкин. Шу сабабли гносеологик принциплар асосида ўқув материалларини илмий асосланган ҳолда структуралаштириш дидактиканинг ўта долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Ўқув материалларини танлаш ва структуралаштиришда икки хил ёндашувга таяниш мумкин:

1) эмпирик ёндашув – бу умумлаштириш ва вариативликка доир шахсий тажрибани ўз ичига олади;

2) назарий ёндашув – бунда ҳар бир ўқувчи учун бундай ўқув материалларини ўзлаштириш мутлақо янгилик ҳисобланади.

Маълумки, аксарият ўқув курслари мазмунини танлаш ва уларни структуралаштириш биринчи ёндашув асосида амалга оширилади. Шу сабабли тадқиқотнинг умумий муаммоси доирасида ўқув материалларини танлаш ва концентризм принципи асосида структуралашга мантикий-диалектик ёндашувни татбиқ этиш амалга оширилди. Мантикий-диалектик ёндашув асосида умумийликдан-аниқликка ўтиш амалга оширилгандагина ўқув материалларини концентризм принципи асосида структуралаштиришга эришилади.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида «Умумлаштириш»га қуйидагича таъриф берилган: «Умумлаштириш – инсоннинг воқеликни билиш, тадқиқ этишдаги муҳим фикрий амалларидан бири; нараса ва ҳодисаларнинг ўхшаш ҳамда муҳим белги, хусусиятларини, боғланишларини фикран муайян тушунчага бирлаштириш жараёни ва унинг натижаси. Умумлаштириш – илмий билишнинг муҳим воситаларидан ҳисобланади».

Умумлаштириш умумийлик асосида амалга оширилади. Умумийлик тушунчасига хорижий олимлар бир қадар тўлиқроқ таъриф берганлар: «Авалло, «умумийлик» – ҳар қандай назарий тафаккур воситасида амалга ошириладиган илмий билишнинг асосий шакли ҳисобланиб, шунингдек, у фикрий ишлаб чиқишнинг ҳар қандай қўйи даражаси ва ҳиссий тажрибани умумлаштириш натижасида вужудга келган тушунча аппарати ва натижадан иборатдир.

Иккинчидан, «умумийлик» тадқиқ этилаётган объект мазмуни ҳақидаги хозирча тўлиқ бўлмаган, нисбатан бирёклама билимлар...

Учинчидан, «умумийлик» бирёкламалик сифатида асосан уч турда намоён бўлади:

а) умумийлик хиссий-конкретлилик сифатидаги ривожланган тушунча, тасаввур ва ҳиссиёт шаклида;

б) умумийлик абстрактлаш (мавҳумлаштириш) ва умумлаштиришнинг натижаси сифатида;

в) умумийлик тушунчаларни идеаллаштириш сифатида».

Умумий категориялар бутунлиkning асосий таянч қисми сифатида аниқлик ҳақидаги умумий миқёсдаги тасаввурлар негизда яхлитлашга йўналтирилади.

Ўқув материалларини танлаш ва структуралаштириш масаласи узоқ вақтлардан буён кенг миқёсда тадқиқ этилмоқда. Шунга кўра, тадқиқотимизда ушбу масаланинг қуйидаги жиҳатларига тўхталиб ўтамиз. Бунда фанлар бўйича билимлар сифатининг яхшиланиши ва ўқув материалларини янада унумли ўзлаштирилишини таъминлашга қаратилган билимлар структурасининг концентрга асосланган модели қандай бўлиши керак?, деган саволга жавоб изланади.

Бугунги кунда ўқув материаллари мантикий тузилмасининг кўпгина моделлари мавжуд. Мазкур моделлар танланган ёндашув ва методларни асослашдаги турли-туманликка қарамай, амалий педагогик жараёнларда синаб кўрилган ҳамда ўзининг ижобий натижаларини берган.

Ўқув материалларининг турли вариантлари орасида мантикий алоқалар (муносабатлар) ўқув материаллари мантикий структурасини «яхлит ўқув материали тузилмасидаги тизимлилик, кетма-кетлилик, ўзаро алоқдорлик»дан иборат ҳодисадир. Ўқув материал мантикий тузилмаси ҳақидаги тасаввурларнинг мавжуд вариантлари бевосита ўқув материали элемент тушунчасининг қандай англаниши ва ажратиб олинган қисмлар ўртасидаги алоқдорлиkning қай тарзда таъминланишига боғлиқ. Бу хил структуралашнинг кўرғазмали намунаси сифатида мантикий жадвалларни кўрсатиш мумкин. Бу жадвалларда тушунча, мулоҳаза, қонунлар ҳамда муҳим тажрибалар билим қисмлари тарзида намоён бўлади. Мазкур қисмлар дарсликда ўқув материали баёнининг изчиллиги ва кетма-кетлигига мувофиқ кўрсаткичлар асосида бирлашиб, тўғрибурчакни ҳосил қилади. Ушбу структурали-мантикий жадваллар

аслида йўналтирилган чизмалардан иборат. Чизманинг учки қисмига ўрганилаётган материалнинг таркибий қисмлари жойлаштирилиб, қирралар воситасида ўқув элементларининг бир-бири билан ўзаро муносабатлари акс эттирилади. Шу тариқа, чизмалар воситасида ўқув материаллари структурасини намоён этиш мумкин.

А.В.Усова ҳамда В.А.Беликовлар элементлар ўртасидаги алоқаларнинг қуйидаги мезонларини тақдим этганлар:

1. Элементлар ўртасида сабаб-оқибат муносабатларининг мавжуд бўлиши.

2. Асосий тушунчалар ва уларнинг вужудга келишини ифодаловчи муҳим қисмлар ўртасидаги боғланишларнинг мавжудлиги.

3. Устувор функционал алоқаларнинг мавжуд бўлиши.

4. Ўзаро бири-бирининг таркибига кирувчи элементлар ўртасидаги алоқдорлиkning таъминланганлиги кабилар.

Сабаб-оқибат ва функционал алоқалар ҳамда ўзаро бири-бирининг таркибига кирувчи элементлар ўртасидаги боғланишлар ўзаро кесишувчи чизиқлар воситасида кўрсатилади. Масалан, умумийдан-хусусийга; иккинчи даражали тушунчалардан – асосий билимларга каби.

Шу тарзда концентризм принципи асосланган ҳолда, структуралаштирилган ўқув материали оқилона кўлланилса, қатор дидактик афзалликларга эга бўлади. Бироқ, А.И.Уман ўқув материални ташкиллаштириш ва билимларни структуралаштиришга қаратилган ишларда тизимли структуралар (айрим натижалари баёнига эга билимлар) турли дарслик ва кўлланмаларда ҳатто муайян бир фан бўйича, бир хил билимларнинг бир-бирига тўғри келмаслигини кўрсатади. Дарҳақиқат, ҳар бир мавзу бўйича берилган ўқув материалнинг тизимли таркиби мазкур ўқув предмети бўйича дарсликда қай тарзда берилган бўлса уни шундай ўзлаштириш талаб этилади.

Бундан А.И.Уман қуйидагича хулоса чиқаради: агар билимларни структуралаштириш содда бириликлар асосида кўрсатилса, унда топширик қатта ҳажмдаги чала ва автоном характердаги блоklar микдорини бирлаштиради. Блоklarни жойлаштиришнинг бу хил тартиби мантикий бўлмай, кўникма ва малакаларни таркиб топштиришга қаратилган топширикда айрим, тугалланмаган формулалардан фойдаланишга олиб келади. Топширикни бажаришда илгари ўзлаштирилган билимлардан фойдаланиш заруриятининг мавжуд бўлиши эътиборга олинмаган бўлса, ўқув материаллини

юқоридаги тарзда содда бирликлар методига кўра структуралаштириш унинг дидактик қимматини сезиларли даражада пасайтишига олиб келиши мумкин.

Агар ўқув материали тизимлилик принципіга асосланган ҳолда, структуралаштирилган бўлса, ўқув жараёни мураккаблашади. Т.А.Стефановскаянинг таъкидлашича, мазкур принцинга кўра, «ўқув материали мазмунини ташкил қилувчи қисмлар занжиридан иборат бўлиб, бунда навбатдаги ҳалқа кейингисининг асоси бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари, улар орасида ўзаро мантикий алоқадорлик мавжуд бўлиб, ҳар бир кейинги қисм олдингисига беvosита боғланади. Бундай таркибий тузилма ўқувчи зиммасига кўпгина вазифалар юклайди. Яъни, ўқув материали таркибига кирган барча қисмлар бир хил аҳамиятга эга бўлган тушунчалар сифатида ўқувчиларга тақдим этилиб, улар ичидаги асосий қисмларнинг фарқларини ажрата олиш кўникмалари шакллантирилмайдми. Улардан асосийсини чегаралаб олиш масаласини ўқувчиларнинг ўзлари ҳал қилишларига тўғри келади. Бундай мураккаб топшириқни ечишга қурб етмаслиги натижасида билимларнинг яхлит тизимида муайян элементнинг ҳолатини аниқлай олмаган ўқувчилар ўқув материалларининг барча қисмларини бирдек қабул қиладилар ва уларнинг муҳим жиҳатини англамай қоладилар. Бу эса, билимларни қуруқдан қуруқ ёдлашга асос бўлади».

В.Ф.Шаталов ҳамда унинг кўплаб издошлари томонидан танланган ўқув материаллари ўз вақтида ўқув матни мантикий структурасини ифодалашга қаратилган эди.

Масалан, С.А.Лебедев педагогик тажрибалар ҳақида фикр юритиб, танланган тадқиқот иши тизимининг асосий негизини белгиланган принциплардан бири асосийси (муҳими)ни ажратиб олишдан иборат бўлганлигини таъкидлайди. Ушбу асосийлик «мавзу ёхуд ўзаро мантикий алоқадор масалалар блоки»ни қамраб олган таянч концептлар шакллантирилганда белгиланади.

Ақсарият ўқув матнларини таркиб топтиришнинг асосини ташкил этувчи тизимлилик принципі беvosита уларнинг таркибий хилма-хиллигини назарда тутди. В.Ф. Шаталовнинг «таянч сигналлар»и ҳам айнан шундай серқирраллиги билан ажралиб туради. У «таянч сигналлар»ини ўзи яратган дидактик тизимнинг қамчилиги эмас, балки айнан ютуғи деб билган. Шу билан бир қаторда, ушбу хилма-хилликни педагогик-психологик жиҳатдан

асослаган ҳамда «таянч сигналлари»нинг таркибий жиҳатдан тақдорланмаслигини таъкидлаган.

Шундан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги ҳақли савол туғилади: Шаталов тизими бўйича билим олаётган ўқувчи тақдим этилган мантикий асосда «таянч сигналлар»ни етарлича тўлиқ қўлай оладими, ўзлаштирилган ахборотларни бошқа ўқув материалларининг таркибий мантикига боғлиқ ҳолда ўзлаштира оладими?

Шуни таъкидлаш лозимки, В.Ф.Шаталовнинг «таянч сигналлари»га ўхшаш таянч концептлар ҳам мавжуд бўлиб, улар айрим жиҳатларига кўра ўзига хос таркибий тузилишга эга бўлган. «Таянч концептлар, - деб ёзади В.Ф.Шаталов, - физик формула, қисқача хулоса, тушунтирувчи расмлар, диаграмма ва бошқалар шаклидаги ўқув материалларининг мантикий баёнини ифодалайди. Таянч концепт ... ягона умумлаштирилган режанинг ҳар бир элементи учун илмий далил, тушунча ва қонунларни очиб беради. ... таянч концептлар янги махсус дидактик материал сифатида тақдим этилади».

Ўқув материали таркибини ўзгартириш вариантларидан бири - ундан ўзаро қайсидир белгисига кўра бирлаша оладиган қисмларни ажратиб олишни тақозо қилади.

Тушунчаларнинг кўринишлари ва турлари ўртасидаги беvosита ва билвосита тадрижий алоқаларнинг ифодаланиши, муайян белгиларнинг фарқланиши, ўхшаш ҳодисалардан фойдаланиш кабилар таснифий жадвалларни яратиш имконини беради.

Турли ўқув матнларини таркиб топтириш ва таҳлил қилиш, ўқув материали тузилмасини конструкциялаш ва очиб беришда уларнинг қулайлиги ҳамда билимлар тизимини тартибга солиш принциплари ҳақидаги муаммоларга дуч келиниши муқаррар. Шунга кўра, Л.В.Занков ўзининг «Дидактика ва ҳаёт» номли машҳур китобида таълимнинг тизимлилиги масалалари ҳақида фикр юритиб, дидактик талаблар асосида ушбу муаммони ҳал этишда тегишли ўқув фанлари мазмунини ўртасидаги қарама-қаршилиқни тўла бартараф қилиш мумкин эмаслигини уқтиради. В.В.Давыдов эса, ўқув предмети мантики охир-оқибат тегишли фан мантикини ифодалаб, ўқув курси дастурига кирувчи илмий билимлар, уларнинг изчил кетма-кетликда жойлашиши, улар орасидаги алоқалар тавсифига кўра характерланади, - дея уқтиради.

Юқоридаги фикрлардан шунанглаш мумкинки, мулиф, ўқув материалларининг асосий мантикий структурасини тушунарлар

тизими сифатида тақдим этади, муайян ўқув фани мантики масаласи ушбу ўринда муаллиф назаридан четда қолган.

Билимларни структуралаштиришда илмий тушунчалар тизимга таяниш фанлар шаклланишининг кўҳна илдиэларига таянган бўлиб, дидактикада анча кенг тарқалган ёндашувлардан бири ҳисобланади. Дастур характеридаги дидактик қўлланмаларни яратиш соҳасида катта тажрибалар мавжуд бўлиб, уларда ўзлаштиришга қаратилган материални мантикий тузилмасига кўра изчил таҳлил этиш, ушбу асосда марказий тушунча ва унга алоқадор тушунчаларни ажратиш, барча ўқув материалларини ушбу тушунчаларга таянган ҳолда тизимлаштириш, тегишли фан мантики асосида муайян кетма-кетликда жойлаштириш лозимлиги муаллиф томонидан уқтирилади.

Ўқув ва илмий билимлар тизимида тушунчаларнинг тутган ўрнини белгилашда А.В.Усованинг қарашларини бирмунча аниқ, изчил ва далилларга асосланган назария сифатида баҳолаш мумкин. Унинг қарашлари турли вақт оралиғида ушбу масалани ёритишга йўналтирилган тадқиқотларда ўз ифодасини топган. Муаллиф илмий билимлар тузилмасини мантикий-генетик таҳлил этиш асосида билимлар тизимининг қуйидаги асосий қисмларини ажратиб кўрсатади:

а) илмий далиллар;
б) тушунчалар, масалан, сўз, сўзнинг таърифи, бир маъноли сўзлар, кўп маъноли сўзлар каби;
в) қонунлар;
г) назариялар;
д) олам манзарасини билиш даражаси кабилар.
Тушунча — нарса ва ҳодисаларнинг мантиқан ажратилган муҳим белгиларини, алоқа ва муносабатларини умумлаштириб акс эттирувчи умумий тасаввур; тафаккур шакли.

А.В. Усова, Р.Сафарова, Э.Ғозиевлар ўз тадқиқотларида тушунчани ҳар томонлама ҳам кенг, ҳам хусусий-дидактик маънода ўрганганлар. Хусусий маънода тушунча билимлар тизими қисмларидан бири ҳисобланса, кенг маънода илмий билиш қисмларининг ҳар бири: далил ҳам, қонун ҳам, назария ҳам тушунчадир. Чунончи, қонун назарда тутилган бирор вазиятни аниқлашнинг мураккаблигида муайян ўрин тутиб, ўзида илмий билимни қамраб олган ҳолда, ўзаро изчилликда тушунчага нисбатан юқори ўринда туради ва айнаи вақтда ўзи ҳам тушунча ҳисобланади. Бу айнан лугавий

бирликларда ўз ифодасини топади. Чунки, ҳар бир сўз муайян тушунчани аниқлатади.

Л.Я.Зорина илмий билиш тузилмаси, унинг элементлари кетма-кетлигини белгилашга бошқача нуқтаи назардан ёндашади. Олима томонидан физикадан 100 йил давомида яратилган мактаб дастурлари ва дарсликларини тарихий-мантикий жиҳатдан тадқиқ этиш натижаларининг кўрсатишича, таълим мазмунига илмий билимларнинг киритилишини қуйидаги изчилликда тасаввур этиш мумкин: далиллар, алоҳида назарий қондалар, амалий билимлар, тушунча ва қонунлар, назариялар тарзида.

Назария дидактик бирликнинг етакчи максеини эътироф этиб, у дарслик тузиш (материал танлаш ва жойлаштириш)да назариянинг яхлит ифодаланишига асосланиш дарслик барқарорлигини таъминлашнинг энг муҳим шартларидан бири эканлигини таъкидлайди.

Дидактикага билимлар тизими тушунчасининг тузилишига кўра илмий назария билан мослиги ғоясини олиб кирган Л.Я.Зорина «мўлжалга кўра назарий асосларга таяниб билимларни танлаб олишда унинг йўналтирувчиси ва ислоҳ этувчиси сифатида назарий тузилманинг яхлит ифодаланишида назарий асослар минимал даражаси мазмунининг зарурий ва етарли бўлиши дидактик асос сифатида муҳим ўрин тутиши»ни таъкидлаган эди. Мазкур қондан у энг катта ва етакчи бирлик — назарий асосни ўзлаштиришнинг тизимлилиги ва яхлитлигига асосланиш сифатида баҳолайди.

Л.Я.Зоринанинг кўрсатишича, назарий асослар муҳим тушунчалар, асосий қонунлар ва натижаларни қамраб олиши зарур. Унинг фикрича, мазкур тузилманинг бузилиши назариянинг яхлит тизимини мураккаб ўзлаштириладиган ва эслаб қолинадиган билимлар мазмунига айлантиради.

Л.Я.Зорина томонидан асосий дидактик бирликларни тўлдиришнинг қуйидаги мезонлари тақлиф қилинган:

— асосий мустақил қонунларнинг умумийлиги ва шакллантирилиши, уларнинг минимал ҳажмини белгилаши;
— назарий асослардаги асосий қонунлар ҳажми ушбу назариядаги муҳим қонунлар микдорига мувофиқ келиши;
— назарий ҳулосалар мазмунини таркибий қисм сифатида эътироф этилиши;

– асосий қонун-қоидалар ва қўшимча билимларнинг натижалари акс этиши;

– хулосаларнинг минимал даражаси таъминланиши;

– хулосалардан кўпроқ қонунийлик кучига эга бўлганларини танлашга эришилиши;

– назарий қоидаларни асослашда далилларни танлашга назариянинг изоҳловчи ва башорат қилувчи имкониятларига эътибор қаратилиши;

– натижаларни хулосалашга оид қўшимча билимларнинг танланиши, яъни назариянинг яхлитлиги ифодаланиши;

– тенг имкониятларга эга бўлганда кўпроқ дунёқараш тавсифидаги, политехник йўналишдаги, ҳиссиётларга бой, меъёрий кадриятларни таркиб топтиришга қаратилган қўшимча билимларга аҳамият берилиши;

– назарияларга иловалар беришда ҳозирда ва келажакда техника соҳаси ёки ўқувчи танлаши мумкин бўлган касбий йўналиш бўйича муҳим маълумотлардан фойдаланиб, ўқувчиларда зарур кадриятлар тизимини таркиб топтириш назарда тутилиши лозим.

Л.Я.Зорина яхлит ғояларни таркиб топтиришга оид илмий назария ҳақида қуйидагиларни баён қилган эди: «назариянинг муайян қисмлари бошқалари билан узвий боғлиқ бўлган ҳолда, билимларнинг турлари билан алоқадорликда, муайян яхлитликка асосланган ички боғланишга эга бўлган ўзига хос мазмун касб этади». Шу тарзда, билим турлари сифатида у назариянинг барча бевосита ва билвосита дахлдор қисмларини киритади. Уларни қуйидагича 6 турга бўлади: тушунча, қонун, илмий далил, эксперимент, назария, амалий билимлар.

Г.И.Рузавин эса, илмий назария тузилмасига мувофиқ ҳолда, физика курсидан ўқув материалларини таркиб топтиришга нисбатан бирмунча бошқача талабларни илгари суради. У назария ўз ичига асослов ва натижани қамраб олиши лозим, деб ҳисоблайди. Лекин назарий тузилмани мантикий-тузилмага эга жадваллар кўринишида илмий билиш даврий ораликларига (циклларига) кўра тақдим этади.

Олимларнинг илмий тадқиқот жараёнидаги фикр, мулоҳаза ва муҳокамалари айнан мазкур даврий оралик (цикл)га кўра амалга оширилади. Ўқув жараёнида ўқув материалларини ушбу даврий оралик асосида тақдим этилиши ишончли билимларга эга бўлиш механизмларини аниқ кўрсатиш, муаммоли баён методини жорий

қилиш, ўқув материалларини идрок этишда мантиқийлик ва тарихийликни уйғунлаштириш имконини беради. Даврий ораликнинг моҳияти шундаки, кузатиш ва маҳсус экспериментларни ўтказиш орқали қатор илмий далиллар қарор топтиради. Ушбу далиллар фаразни илгари суриш йўли билан изоҳланилади. Фаразда ўрганилган объектлар, амалга ошаётган жараёнлар механизмни изоҳлаш мумкин. Ушбу механизм ва ҳолатларнинг мавжуд аниқ жиҳатлари турли ўқув моделлари кўринишида акс эттирилади. Ўрганилган ҳодиса, жараён ва ҳолатлар хусусида модел-тақдиротлар ва фаразларга асосланиб, мантикий мулоҳазаларга таянган ҳолда хулосалар тизими аниқланади. Хулосалар бевосита тажриба-синов асосида текширилади. Ўз навбатида, тажриба-синов натижалари янги далиллар мажмуини тақдим этади, у баён қилинган фикр-мулоҳазаларни тасдиқлаши ёки тасдиқламаслиги мумкин. Мантикий хулосалар тасдиқланса, илгари сурилган фаразнинг тўғрилиги ва янги тажрибавий далилларни изоҳлашда ундан фойдаланиш имконияти қабул қилинади.

Айнан ушбу асосга таянган ҳолда, А.З.Зак ўқув дастурлари муаллифларига қуйидаги тавсияларни тақдим этади: «ўқув курсига оид ўқув материалларини фундаментал назариялар атрофида марказлаштириш натижасида таркиб топтиради. Таълим жараёнида педагогик мақсадни амалга ошириш учун айланма (спирал) даврий оралик кўринишида билимларни назарий умумлаштириш келиб чиқшини қайта тиклаш мақсадга мувофиқдир... Бу ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга самарали таъсир кўрсатиб, мантикий тафаккурларини таркиб топтиради».

Л.М.Фридман ўқувчиларда назарий материаллар таркибига мувофиқ тарзда билимларни таркиб топтиришнинг заруриятини назариянинг фундаментал ғояларни асослаш ва эътиқодни шакллантириш воситаси эканлиги билан изоҳлайди.

Асос қилиб олинган принципларни тажриба-синовдан ўтказиш ҳақида фикр юритиб, В.Н. Мошанский фундаментал экспериментларга алоҳида тўхталади ва уларни изоҳлашнинг илмий тажриба-синов тадқиқотларини аслидаги каби қайта тикловчи яхлит мантикий схемасини тақдим этади.

Ўқув материал мантикий тузилмаси, унинг оқилона баён этиш усуллари ва ўзлаштирилиши ҳақида сўз борар экан, дидактик бирликларни йириклаштириш (ДБЙ) назариясини ҳам таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Дидактик бирликларни йирик-

лаштириш назариясининг муаллифи профессор П.М.Эрдиев бўлиб, мазкур гоя ўтган асрнинг 60-йилларида олим томонидан чоп этилган монография, ўқитувчилар учун методик қўлланма, газета ва журналларда нашр этилган мақолалари орқали амалиётга татбиқ қилинган. П.Ф.Эрдиевнинг тадқиқоти натижаларининг кўрсатишича, ўқувчилар билимларини интеграциялаш масаласини ҳал қилиш учун ўқув топшириқларини соддалаштириш эмас, балки, аксинча мураккаблаштириш – дидактик бирликларни йириклаштириш зарур. Лекин, бунда ўқув материали таркибининг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш лозим.

Дидактик бирликларни йириклаштириш назарияси И.П.Павлов (зиддиятларни қарама-қарши қўйиш), П.К. Анохин (тескари алоқа), А.А. Ухтомский (доминант), И.Р.Пригожин (ижодий тафаккурни ривожлантиришда қиёслашга оид ақлий хулосаларнинг марказий ўрин эгаллаши), Р.Сафарова (билимларни интеграциялаш ва ўқув материалларини унификациялаш) кабиларнинг таълимда ютуқларга эришишнинг психологик конуниятлари борасида илгари сурган кашфиётларига асосланади. Айнан физиологик конуниятлар дидактик бирликларни йириклаштириш назариясининг вужудга келиши ва ривожланишига алоҳида таъсир кўрсатди. Дидактик бирликларни йириклаштириш асосан И.Павловнинг шартли рефлекслар методикасига асосланади.

Тескари топшириқлардан фойдаланиш методи дидактик бирликларни йириклаштириш назариясининг негизини белгилайди. Дидактик бирликларни йириклаштириш бўйича 1-синфдан бошлаб она тилидан машқлар тузиш, ўқишдан матнлар танлаш муҳим аҳамиятга эга. Дидактик бирликларни йириклаштириш назарияси асосида тузилган дарсликлар воситасида ўқитиш ўзаро тескари ва ягона негиздаги таълимий ҳаракатларнинг биргаликда, бир дарсда, бир вақтнинг ўзида ва дарсликнинг бир саҳифасига жойлаб ўргатиш прагматик мазмунга эга. Дидактик бирликларни йириклаштириш назарияси асосида тузилган дарсликларда ақлий алоқалар таъминланади.

Дидактик бирликларни йириклаштириш назариясида ўзаро алоқадор билимлардан фойдаланилади. Дидактик бирликларни йириклаштириш назарияси бўйича яратилган дарсликларда ўқув материаллари блок шаклидаги концентрлар сифатида тақдим этилади. Юқорида таъкидланганидек, билим ва тушунчалар ягона

концентрга бирлаштирилиб, уларнинг ҳар бирдан дидактик бирликларни йириклаштириш мақсадида фойдаланилади.

Дидактик бирликларни йириклаштириш назарияси бўйича яратилган дарсликларда ўқув материални жойлаштиришда муайян қоидаларга асосланилади: жуфт мулоҳазалар ягона саҳифада параллел чоп этилади, ўхшаш фикрлар икки поғонали конструкцияга жойлаштирилади. Дарсликнинг ҳар бир саҳифасида, худди ҳар бир дарсдаги каби ўқувчи руҳиятига таъсир кўрсатадиган воситалар: сўз, нарса-буюм, расм, рамз, сондан бир вақтда фойдаланилади.

Концентризм асосида танланган ўқув материаллари барча далилларни бир йўла қамраб олиш имконини беради. Концентрларда ифодаланган далилларни ўқувчилар яхшироқ тушунадилар ва хотираларида сақлаб қоладилар.

Шу тарзда, дидактик бирликларни йириклаштириш ва концентрларга жамлаш асосида ўқувчиларнинг ўз-ўзларини ривожлантиришларини таъминлайдиган ўқитиш технологиясини қўллаш учун кенг йўл очилади:

1. Ўқувчида ахборотларни қайта ишлаш тафаккурости механизмининг фаоллашуви туфайли;

2. Ақлий операцияларнинг муайян макон ва замонда яқинлашиши сабабли;

3. Далилларга асосланган мантикий қисмлар ва ижобий ҳиссиётларнинг ўзаро таъсири туфайли.

Дидактик бирликларни йириклаштириш ва ягона концентрларга жамлаш технологияси тафаккурнинг тарқоқ даражасидан интеграл даражасига ўтишга қаратилган. Дидактик бирликларни йириклаштириш ва ягона концентрларга жамлаш давомида қуйидаги муаммоларнинг ечими топилади:

1. Дастлаб бошланғич синф она тили ва ўқш дарсликлариди дидактик бирликларни йириклаштириш ва ягона концентрларга жамлаш лозим. Бу, ўз навбатида, ўқувчиларнинг изчил фикрлашларини жадаллаштиради;

2. Дидактик бирликларни йириклаштириш асосида ягона концентрларга жамлаш натижасида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш кўникмалари ривожлантирилади;

3. Дидактик бирликларни йириклаштириш асосида ягона концентрларга жамлашга оид эмпирик тажрибаларни мунтазам

йигиндиси шаклида тушунишга тўғри келади. Бу, ўз навбатида, дарсликларнинг кенгайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам, ҳатто бошланғич синфлар учун ҳам қатта ҳажмли дарсликлар тузилган. «Дарслик ўқув материалдан иборат» ёки «ўқув материал дарсликнинг бирлиги» каби ёндашувларга таянадиган дарслик муаллифлари ўзлари тузган дарсликларга ўқув материалларини кўпроқ сингдиришга ҳаракат қилганлар; в) «ўқув материал» тушунчасига В.В.Краевский қуйидагича ёндашади. Унинг фикрича, ўқув материали таълим мазмунининг шакли, таълим мазмунига дарслик муаллифининг берган энг сўнгги ишловидир. Бундай ёндашувга асосланган ҳолда ўқув материални таълим мазмунининг шакли сифатида тан олишга имконият туғилади; г) Р.Сафарова ўз асарларида ўқув материали муаммосига алоҳида эътибор қаратиб уни ўқув жараёнининг асосий воситаси, ахборотли модели сифатида талқин қилади. Бундай ёндашув «ўқув материали» ҳақидаги илмий тасаввурларни кенгайтиришга йўл очади.

Ўқув материали тўғрисидаги тасаввурларни янада кенгайтириш лозимлигини ҳисобга олиб, Р.Сафарова, М.Х.Маҳмудов, Б.Адиловлар таълим мазмунини моддийлаштирувчи воситаларни икки гуруҳга ажратганлар: бирламчи дидактик лойиҳалар – дарсликда берилган таърифлар, қондалар, машқлар, ўқув топшириқлари, курсив билан ажратилган далиллар ва аниқликлар, умуман ўзида ўқув предмети мазмунини мужассамлаштирган ахборотли моделлар; иккиламчи дидактик лойиҳалар – синф жамоасининг имкониятларини инобатга олиб тузилган тренинг материаллари, дастурлаштирилган материаллар, мустақил ишлар, саволлар, тест топшириқлари тўплами.

Шундай қилиб, мутахассислар ўқув материалларининг қатор хусусиятларини ажратишга муваффақ бўлганлар: ўқув материали ўқувчиларнинг ўзлаштириш ва билиш объектидир. Унинг бундай хусусияти ўқувчиларнинг уларни тушуниш ва қабул қилиш имкониятларини кенгайтиради. Шунингдек, ўқувчиларни янги ахборотлар билан қуроллантиради. Ўқитувчи ўқувчиларнинг билим, қўлиқма, малакалари, ўзлаштириш имкониятларини ҳисобга олиб, қўшимча ўқув материалларини танлайди ва уларга ишлов беради. Шу тариқа, иккиламчи дидактик лойиҳалар вужудга келади. Дидактик лойиҳаларда ўқув материалларининг мураккаблик даражаси, ўқувчилар савиясига мослигига эътибор қаратилади. О.Розиқов, Р.Сафарова, Х.Назарова, У.Мусаевлар ўз ишларида дарсликлар,

ҳатто бошланғич синфлар учун мўлжаллаб тузилган дарсликларнинг ҳам ҳажм жиҳатдан кенгайиб кетганлиги, уларда ўқувчининг ижтимоий таърибасига қирмай қолган ортиқча ўқув материалларининг мавжудлигини кўп маротаба кўрсатиб ўтганлар. Улар шунингдек, таълим мазмунини ўқув материали шаклида ихчам, лўнда, блоklar шаклида ифодалаш зарурлигини уқтирганлар. Дарсликларда таълим мазмунини ўқув материаллари, яъни ўқув моделлари, таълимий топшириқлар, машқлар, иллюстрациялар, саволлар, жадваллар, кўргазмалар воситалар, мультимедиялар шаклида тақдим этилади.

Ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб ўқув материали моҳиятини тушунтиришга оид икки хил қараш вужудга келди: ўқув материални дарсликнинг асоси деб қараш ғояси (Л.Я.Зорина). Дарҳақиқат, ҳар қандай дарслик муайян параграфлардан ташқил топган бўлиб, уларда муайян мавзудаги ўқув материаллари структураланади ва баён қилинади. Бу эса, дарслик муаллифлари имкониятларини кенгайтиради. Шу билан бир қаторда, бундай ёндашув натижасида дарсликлар ҳажм жиҳатдан катталаштирилади.

Маълумки, таълим мазмунини ўқув материалларида ўз ифодасини топади. Бу эса, дарсликларни ҳажм жиҳатдан ихчамлаштириш имконини беради. Ўқув материали таълим мазмунининг ифодаси, модели, таълим технологиясига оид назарияга тегишлидир. Уни структуралашнинг асосий мезони ихчамлаштириш бўлиши лозим.

Маълумот мазмунининг ўқув материалига сингдирилган қисми – уларни ижодий ўзлаштириш муаммоси, бир томондан, ижодий фаолият таърибасининг ўрганилаётган ўқув материалларида ифодаланганлиги, иккинчи томондан эса, ижодий фаолиятни эгаллаш усуллари, воситаларини аниқ танлай олиш билан характерланади. Бу усул ва воситалар қуйидагилардан иборат.

1. Тақдим этилган билимлар ва ахборотларни мустақил ўзлаштириш. Мустақиллик инсоннинг энг муҳим шахсий сифатидир. Ўқувчиларда мустақил фикрлаш шакланган сари улар воқеа-ҳодисаларни объектив баҳолайдиган, атроф-муҳитга оқилона муносабатда бўладиган шахс сифатида намоён бўла бошлайдилар. Ўқувчиларда мустақил фикрлашни шакллантиришнинг бир қатор усуллари мавжуд. Бундай усуллардан энг самаралиси синфда дарс жараёнида бажариладиган мустақил ишлардир. Мустақил ишлар

ўқув дастури талаби ва ўқитувчи топшириғига кўра бажариладиган мустақил ўқув ҳаракатларидир.

2. Ўқувчиларда ақлий фаолият усулларини ривожлантириш. Ўқувчиларда ижодий фаолият тажрибасини шакллантиришнинг асосий шартларидан бири, уларда ақлий фаолият усулларини таркиб топширишдан иборатдир. Ўқув материаллари таркибиде берилган билимларни таҳлил қилиш, умумлаштириш, гуруҳлаш, таққослаш кабилар ақлий фаолият усулларидир. Бошланғич синфларда айниқса, Она тили ва Ўқиш ўқув предметлари ўқувчиларда ақлий фаолият усулларини ривожлантириш учун катта имкониятларга эга.

Ўқув материали мазмунининг муҳим таркибий қисми муносабатдир. Ҳар бир ўқув предмети ва унинг таркибий қисми бўлган ўқув материалларида табиат, жамият ва инсон тафаккурига муносабатлар ҳам қайд этилади. Муносабат жамият ҳаёти учун муҳим бўлган тушунча бўлиб, маълум нарсас, ҳодисалар ва уларнинг қисмлари орасидаги ўзаро алоқадорликни ифодалайди. У ҳаққонийлик ва умумийлик хусусиятига эга. Жамият, табиат ва борлиқдаги муносабатлар хилма-хилдир. Масалан, сабаб ва оқибат, шакл ва мазмун каби.

Ўқув материалларини танлаш ва структуралашда уларнинг таркибий қисмларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ўқув материалларининг таркибий қисмлари қуйидагиларда ўз ифодасини топади: билимлар, ахборотлар, кўникмалар, малакалар, ижодий фаолият тажрибаси, муносабатлар, улар ўқув жараёнининг муайян қисмларида амал қилади.

Ўқув материали маълумот мазмунига дарслик муаллифларининг берган сўнгги ишланмасидир. Дарслик муаллифи ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаси: эгаллаган билим, кўникма ва малакаларига асосланган ҳолда тақдим этиладиган ўқув материалларини лойиҳалаштиради. Ўқув материалларини ўқувчиларнинг реал ўқиш имкониятларига мослаш учун таълим мазмунига берилган дидактик ишланмалар ойдинлаштирилади.

Ўқув материаллари таркибиде машқлар алоҳида ўрин эгаллайди. Машқ – ўқув материалларининг ўқув жараёни мақсадига кўра танланган ва тақдим этилган шаклдир. Ўқув-билув жараёнида тақдим этиладиган машқлар таълим мақсадига кўра ранг-баранг бўлади. Машқларнинг ранг-баранглиги ўқувчи ўзлаштирган билимларини ўз фаолиятида тақрорий ишлатиш жараёнининг қизиқарлилиги, унинг самарали амал қилишини таъминлайди.

Машқ қилиш жараёнида тақрорланадиган билим, ўқув материалларининг асосини ташкил этади. Машқнинг мазмунига риоя қилган ҳолда, бир томондан, машқ жараёнида тақрорланадиган билимнинг чегараси, иккинчи томондан эса, у ёки бу мазмундаги ишни фаолиятда тақрорлаш миқдорини аниқлаш ва шунга кўра уларни структуралаш лозим. Бинобарин, у ёки бу мавзу доирасида машқ ўтказишда муайян миқдорга амал қилиш керак. Уни ўтказиш жараёнида тақрорланадиган билимлар ва уларнинг чегаралари, тақрорланадиган ўқув материалларига кўра белгиланади. Машқнинг миқдор кўрсаткичлари у ёки бу мазмуннинг фаолиятда тақрорланиши, ўтказиладиган машқлар тизими, унда кўзда тутилган машқларнинг миқдори ва таркиби билан белгиланади.

Мустақил иш натижаси ўқувчи шахсий имкониятининг ортиши билан, машқ натижаси эса, ўқувчи ўқув фаолиятининг такомиллашуви билан боғлиқдир.

Р.Сафарова, Ж.Йўлдошев, У.Мусаевлар тадқиқотларида ўқувчилар ўзлаштиришининг тўрт даражаси: билим ва тушунчалар, кўникма, малака, шахсий сифатлар даражаси аниқланган.

Мутахассисларнинг таъбирича, билим, кўникма ва малакаларни пухта ўзлаштирган ўқувчилар муайян шахсий сифатларни ҳам эгаллайдилар.

Биз ўқув материалларини танлаш ва структуралашда худди мана шу ёндашувга таяндик. Чунки, мазкур ёндашувга кўра ўқувчилар эгаллаган назарий билимларини амалиётда қўллаш ва шу билимларга амал қилиш даражасига кўтариладилар, яъни, уларнинг эгаллаган билимлари тарбияланганлик даражаларини таъминлашга асос бўлади. Бунда ўқувчиларнинг ижодкорлиги ҳам ҳисобга олинади. Бундай ёндашув ўқувчиларнинг ўқув материалларини тўлиқ ўзлаштиришлари ва ижтимоий тажрибаларида ундан фойдалана олишларини ифодалайди. Ўқувчилар ўзлаштиришнинг ҳар бир даражасида ижодий топшириқларни бажаришлари муҳим дидактик аҳамиятга эга.

Юқоридаги фикрларга таянган ҳолда, биз, ўқув материалларини ўзлаштиришнинг тўрт даражасини фарқлашга ҳаракат қилдик:

1-даража. Ўқув предмети доирасида тақдим этилган билим, фаолият усуллари, муносабатлар, халқнинг ижтимоий тажрибаси, дунёқараши, турмуш тарзи ва жамият ҳаётига оид маълумотларни назарий билимлар даражасида ўзлаштириш. Бунда ўқувчиларнинг

Ўзлаштириш даражаси назарий билимлар шаклида бўлади. Ўқувчи тақдим этилган ахборотлар ёрдамида муайян билимлар ва назарий тушунчаларга эга бўлади, унда янги билимларни ўзлаштиришга рағбат ва эҳтиёж уйғонади. Бунинг учун, ўқувчиларга ўқув жараёнининг дастлабки даврида илмий-оммабоп ва ахборотли ўқув материаллари, назарий топириқлар, машқлар яхлит концентрлар шаклида тақдим этилиши керак.

2-даража. Ўқувчилар эгаллаган билимларини машқлар ёрдамида мустахкамлаб муайян ўқув харакатларини бажаришга оид кўникмаларга эга бўладилар. Жумладан, маънодош сўзларга оид билим ва тушунчалардан фойдаланган ҳолда матндан маънодош сўзларни ажратадилар ҳамда улар ёрдамида гаплар, матнлар тузадилар. Шу тарика, уларда маънодош сўзлардан фойдаланиш кўникмаси ҳосил бўлади.

3-даража. Ўқувчилар эгаллаган кўникмалар мустахкамланиб, автоматлашиб боради ва малакага айланади. Муайян ўқув топириқларини бажариш жараёнида ўқувчиларнинг ўқув харакатларида жадаллашиб бошланади. Улар ўзлаштирилган ахборотлар натижасида ҳосил бўлган билим ва кўникмаларни ўзларининг кундалик фаолиятларида қўллаш ҳамда ўз хатти-харакатларидан ҳулоса чиқариш каби мураккаб операцияларни бир қадар осон бажара оладилар.

4-даража. Ўрганилган билимлар, халқ, жамият ва аждодларининг ижтимоий таърибасини ўзлаштириш натижасида ўқувчилар шахсий сифатларни эгаллаб борадилар. Бундай шахсий сифатлар концентрлар таркибидаги ўқув материалларини пухта ўзлаштириш маҳсули бўлиб, у ўқувчилар таърибасида ахлоқий ва маънавий меъёрлар сифатида намоён бўлади. Бундай ахлоқий-маънавий меъёрлар ўқув жараёнида таълим-тарбия элемент-этиладиган ўқув материаллари мазмунини таълим-тарбия элементларини мужассамлаштириш натижасида ҳосил бўлади. Ўзлаштирилган билимлар ва эгалланган шахсий сифатлар ўқувчиларнинг фаолият тарзи, атроф-муҳит, жамият, аждодларимиз меросига бўлган муносабатларини белгилайди.

Концентризм принципини муайян билимлар, тушунчалар компонентидан унинг яхлит тизимига тадрижий асосда бориш сифатида тушуниш лозим. Шу тарика аниқ бир ўқув фани таркибида ўқувчи тақдим этиладиган Дидактикада бу ҳодисани модул сифатида тизимлаштирилади.

таълим мазмунини яхлит модул сифатида спиралсимон тизим тарзида тақдим этиш сифатида тушуниш лозим. Бу тизимнинг аниқ параметри сифатида таълим мазмунининг кичик қисмларидан, унинг яхлит тизимини таркиб топтириш назарда тутилади.

Тор дидактик маънода эса, концентризм принципи мураккаб даражада шакллантирилган ўқув юктамалари тизими сифатида тушунилади. Ҳа маънода эса, мазкур принцип таълим мазмунини аниқ блоklar кўринишида тўлиқ шакллантирувчи дидактик ҳодисадир. Мазкур дидактик принципга хос бўлган жиҳатлар ўзининг аниқ дидактик тавсифини кутмоқда. Бунинг учун концентризм принципининг ички хусусиятлари ва таълим мазмунини танлашдаги кенг имкониятларини назарий жиҳатдан тавсифлаш мақсадга мувофиқдир. Шу мақсадда биз концентризм принципининг хилма-хил жиҳатлари, кирралари, унинг бошқа принциплар ва ўқув материаллари билан алоқадорлиги ўзаро муносабатларини дидактик жиҳатдан асослашга ҳаракат қилдик. Шу жиҳатлари билан концентризм принципи таълим мазмунини танлашда таянладиган энг самарали принцип бўла олади.

Билиш назарияси нуқтаи назаридан билимларни спиралсимон блоklarга бўлган ҳолда тақдим этишга интилишлар кузатилган. Кўпчилик файласуфлар бу назарияни билиш жараёнининг таракқиётига нисбатан қўллаганлар. Мазкур назарияларга кўра билимларнинг концентрлар таркибида тақдим этилиши уни ўзлаштирувчиларнинг тизимли, мантикий фикрлаш имкониятларини кенгайтиради. Муайян ҳодисалар ҳақида бир бутун яхлит тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Бу эса ўқувчиларда билим, кўникма ва малакаларнинг тизимли тарзда шаклланиши учун асос бўлади. Бунинг натижасида билимларни амалий қўллашда аниқлик вужудга келади. Концентризм принципи асосида танланган ўқув материаллари ёрдамида ўқувчиларда мужассамлашган аниқ тушунчалар билим ва кўникмалар ҳосил бўлади, улар орасидаги узвийлик таъминланади.

Шундай қилиб, шахс тафаккурининг таракқий этиш диалектикаси унга тақдим этиладиган билимларнинг яхлит блоklar тарзида берилишини тақозо қилади. Бу жараёнда ўқувчининг фикрлаш тизимида билим ва тушунчаларни яхлитлаштириш ва мужассамлаштириш имконияти вужудга келади. Дастлаб ушбу тизимда ўқувчи концентр таркибида ўзлаштирган билимларини аниқ идрок эта бошлайди. Бирок, бу жараёнда у фикрлашдан

тўхтамайди. Концентр таркибидаги муайян билим ва тушунчаларни яхлит тарзда ўзлаштирилади. Ўқувчи муайян концентр таркибидаги билимларни ўрганар экан, уларни тахлил қилиш ва умумлаштириш имкониятига эга бўлади. Шу тариқа, концентр таркибидаги билим ва тушунчалар ўқувчи томонидан табақалаштирилади ва аниқ қисмларга ажратилади. Шунинг учун ҳам, концентрларнинг принципи таълим мазмуни ва шу асосда ўқув материалларини танлашда таяниладиган дидактик принцип сифатида қатъи имкониятларга эга.

Концентрларнинг принципи муайян ўқув материалларининг алоҳида қирраларини ўқувчиларга тақдим этиш имконини беради. Масалан, биринчи концентрда сўз ва унинг маънолари ҳақида тушунча берилса, иккинчи концентрда сўзларнинг қўлланиш доираси уларнинг услубий имкониятлари ҳақида ўқувчиларга маълумот берилади.

Билиш жараёнини ривожлантиришнинг аниқ тизими икки хил дидактик аҳамиятга эга:

1) ўқувчиларда таркибий қисмларга бўлинмаган яхлит фикрлар тизими вужудга келади. Бу эса, ўз навбатида, уларда тадқиқотчилик ва мустақил фикрлаш кўникмаларининг ҳосил бўлишига асос бўлади;

2) ўқувчиларда фикрий умумлашган, якунланган тасавурлар ва муайян соҳага оид илмий дунёқараш ҳосил бўлади. Жумладан, филологик, математик, тарихий, маданий-маънавий дунёқараш каби.

Концентрларнинг принципи ўқув дастурлари ва дарсликларда билимларни мантикий изчилликда яхлит тизим сифатида баён қилиш, уларни навбатма-навбат тадрижий асосда тақдим этиш имкониятини вужудга келтиради. Шунинг учун ҳам, концентрларнинг принципини ўқувчиларда муайян ўқув фанига оид билимлар, тушунчалар, кўникмалар ва дунёқарашни ривожлантирувчи принцип сифатида асослаш лозим. Ушбу принцип асосида тақдим этиладиган ўқув материаллари ўзига хос таркибий қисмларга эга. Концентр доирасида ўзлаштирилган билимлар ёрдамида ўқувчилар муайян соҳада мулоқотга кириша оладилар.

Концентрларнинг принципи асосида ўқув материалларини танлашда:

1) ўқув предметининг ажратиб олинган алоҳида мавзулари бўйича тахлилий ишларни режалаштириш;

2) тақдим этиладиган муайян билим ва тушунчаларнинг мавжуд қирраларини аниқлаш ва тизимлаштирилган ҳолда аниқ кетма-кетликда ифодалаш лозим.

Бунда ҳодисаларни аниқ ифодалаш имконияти қатъидир. Назарий билимларни тизимли тарзда блокларга бўлиб баён қилиш, уларни кичик қисмлардан қатъидир блокларга бириктириш имкониятига эга бўлади. Билимларнинг концентрларнинг принципи асосида баён қилишнинг ҳар иккала йўналиши умумий характерга эга. Билимларнинг концентрларнинг принципи асосида баён қилишнинг иккинчи йўналишига асосланган ўқув жараёни натижалари самарали бўлади. Шунинг учун ҳам, концентрлар таълим мазмунини танлашда таяниладиган дидактик принципдир. Мазкур концентрлар таркибида ўқув материалларининг янги, ўқувчи учун аҳамиятли бўлган қирралари очилади. Бунда ўқув материаллари аниқ, умумлашган бирлик сифатида намоён бўлади.

Шунинг учун ҳам, дастлаб ўқув курси доирасидаги барча ўқув материалларини блокларга ажратиш, улар орасидаги алоқадорлик ҳамда узвийликни аниқлаш лозим. Концентрларнинг принципи тақдим этиладиган ўқув материалларининг серириллиги, хусусий ҳамда умумий жиҳатларини аниқ ифодалашга хизмат қилади.

Концентрларнинг принципи асосида тақдим этиладиган ўқув материаллари бир қатор талаблар асосида танланади:

а) ўрганилаётган ўқув материалларининг хусусий ҳамда умумий жиҳатларини аниқлаш;

б) ҳар бир концентрда ўқув материалларининг муайян қирраларини очиб;

в) ўқув материалларининг объектив жиҳатларини кўрсата олиш қабилар.

Масалан, математика ва сонлар тушунчаси ҳисоб билан боғлиқлиги учун ҳам бир тизимдаги тушунчалардир. Шунингдек, маънодош ҳамда қарама-қарши маъноли сўзларни сўз бойлиги сирасида бир блокка бириктириш мумкин. Бир концентр таркибига кирувчи тушунчалар дарслик муаллифлари томонидан индукция ҳамда дедукция методи ёрдамида ажратиб олинган ва умумлаштирилиши лозим. Бунда мантикий хулосалар чиқаришга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади.

Бундай ҳолларда ҳосил бўладиган назарий хулосалар концентрларнинг принципининг асосий хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда вужудга келади. Улар блоклар бўйича тақсимланган ўқув мате-

риаллари воситасида ойдинлаштирилади. Масалан, Она тили ўқув предмети бўйича тақдим этиладиган ўқув материаллари ҳамда ҳосил қилинадиган билим, кўникма ва малакаларни бошланғич синфларда 4 блок, 5-9-синфларда 5 блок яъни, концентрга бўлиб тақдим этиш мумкин. Масалан, ўзбек тилининг бутун сўз бойлиги 1-9-синфларда яхлит тизим тарзида 9 та турли концентрларга бўлинган ҳолда ўрганилиши мумкин. Шунингдек, грамматик воситалар ва боғланишли нутқ элементлари ҳам барча синфларда алоҳида-алоҳида концентрлар ёрдамида ўқувчиларга тақдим этилади. 1-4-синф ўқувчиларига 4 та концентр таркибида чиройли ёзув, яъни ҳуснихатга оид билимлар, кўникма ва малакаларни ўргатиш назарда тутилади. Бу, ўз навбатида, нутқий кўникмалар ва филологик билимларнинг тизимлилиги, изчиллиги ва мақсадга мувофиқ тарзда шаклланишини таъминлайди. Ўқувчиларда лингвистик билимдонлик ва дунёқараш таркиб топади.

Муайян ўқув материаллари блокида мавжуд бўлган у ёки бу белгилар концентр тарзида навбатдаги блокка ҳам ўтиб яхлит ўқув модулининг аниқ бир қисмини ҳосил қилади. Бу принцип асосида танланган ўқув материаллари доирасида илмий тушунчалар, қондалар, таърифлар бирин-кетин ойдинлашади, умумийдан хусусийга ўтиб боради. Чунки, таълим мазмуни таркибида ҳар бир ўқув материали ўзининг бошланғич нуқтасига эга бўлиб, оддийдан мураккабга томон заңжирсимон боғланади. Мазкур ўқув материаллари заңжирининг ҳар бир бўғинини аниқлаш натижасида ўқувчиларда ҳосил бўладиган билим, кўникма ва малакаларнинг аниқ таркиби белгиланади. Ушбу заңжир воситасида ўқувчилар тушунчадан тортиб назарий билимларгача бўлган барча ўқув элементларини ўзлаштирадиган ва уларнинг тафаккури таркиб топади. Шу тарзда ўқувчиларда аналитик, яъни таҳлил қилиш кўникмалари шаклланади. Аналитик фикрлаш тўлалигича ўқувчиларни нарса, буюмлар ҳақидаги назарий хулосаларга олиб келмайди. Чунки, аналитик фаолият умумлаштириш жараёнидан ажралиб қолгандир. Назарий фикрлашнинг вужудга келиш жараёни эса, умумлаштириш фаолиятига алоқадордир. Ўқувчиларда билимларнинг вужудга келиш жараёни тўлақонли бўлиши учун ҳар бир нарса, буюмнинг келиб чиқиши ҳақида фикрлашлари, унинг аниқ, динамик таркиби, бу таркибнинг ички элементлари йиғиндисини билишлари ҳамда аниқ тасаввур қилишлари

мумимдир. Худди мана шу жараёнинг ўзи назарий билимларни концентризм принципи асосида ўзлаштириш имконини беради.

Ўқув материалларининг таркибий жиҳатдан аниқ боғланишини тасаввур қилиш учун таҳлил ва умумлаштиришга йўналтирилган ўқув жараёни ниҳоятда мумимдир. Бу жараёнда ўқувчининг фикрлаш фаолияти мавҳумликдан пухта ўйланган аниқ фаолиятга йўналтирилади.

Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини умумийликдан хусусийликка тизимли тарзда йўналтиришда концентризм принципи асосида танланган ўқув материаллари алоҳида аҳамиятга эга. Бу ўринда ўқувчи ҳар бир ўқув материали орасидаги фарқни уларни бирин-кетин ўзлаштириш натижасида ҳис қилади. Концентр характердаги ўқув материаллари эса, бир блокка мансуб бўлган турли билим, тушунча ва тасаввурларнинг яхлит тизимга бирлашганлигини англатади. Чунки, яхлит бир концентрга мансуб бўлган ўқув материалларини таҳлил қилиш асосида қисмларга умумлаштириш натижасида эса, муайян модулга бирлаштириш мумкин. Ҳар иккала ҳолатда ҳам ўқувчиларнинг тафаккури изчил шаклланади. Концентр характердаги ўқув материаллари блокида ҳар бир элемент бир-бирини тақозо қилади. Ўқувчи таҳлил натижасида ўзлаштириладиган ҳар бир тушунчанинг ташқи жиҳатлари, мазмун-моҳиятини англашга эришади. Умумлаштириш натижасида эса, ўқувчи муайян ҳодисани назарий жиҳатдан идрок этишга муваффақ бўлади, хулосалар чиқаради. Концентризм принципи асосида танланган ўқув материаллари яхлит бир ҳодисанинг таркибий қисмларини билишга кўмаклашади. Дарслик муаллифлари муайян бир концентрни танлаганда унинг элементлари орасидаги ички алоқадорликни яхши билишлари лозим. Масалан, от сўз туркумига оид ўқув концентрини танлаганда мазкур сўз туркумининг барча хусусиятлари мутахассис томонидан тўлиқ идрок этилиши лозим. Чунончи, отнинг атоқли ҳамда турдош бўлиши, бирлик ва кўплликда қўлланилиши, турланиши каби. Шу билан бир қаторда, концентр таркибида бирлашган билим ва тушунчаларнинг ўзаро изчиллиги ҳамда узвийлигини билиш ҳам уни мақсадга мувофиқ тарзда танлашда муҳим амалий аҳамиятга эга.

Мавҳумликдан аниқликка қараб бориш асосида ўқувчининг фикрлаш фаолиятини ривожлантириш учун концентр таркибидаги билимларнинг ўзаро бир-бирини тақозо қилишига алоҳида эътибор

қаратилади. Улар орасида ўзига хос алоқадорликни таъминлаш учун билимлар субординациясига эътибор қаратилади. Бундай субординацияга эътибор қаратмасдан туриб, концентр таркибидagi ўқув мавзулари ва материалларини мувофиқлаштириш мумкин эмас. Концентр таркибидagi мавзулар ва ўқув материалларини мувофиқлаштириш учун уларнинг бир-бирини тақозо қилиши ва улар орасидаги алоқадорликни аниқлаш талаб этилади. Концентризм принциппига асосланган ҳолда ўқув материалларини танлашда концентр таркибидagi элементларнинг мавжуд кираларини таҳлил қилиш зарур. Бунда уларнинг аниқланadиган жиҳатлари ажратиб олинади. Концентр таркибидagi билимларнинг ўзаро алоқадорлигини аниқлаш унинг таркибини аниқ тасаввур этишга имкон беради.

Бугунги кунда дидактикада ҳам ўқув материалларига нисбатан таркибли, тизимли ёндашувга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таркибли, тизимли ёндашув асосида ўқув материалларининг янги моделлари танланмоқда. Бундай моделлар ўз таркибига бир нечта дидактик концентрларни бирлаштиради. Масалан, ўзбек тилининг луғавий birlikлари, грамматик воситалари, боғланишли нутқ элементлари концентрлари каби.

Бундай дидактик концентрларни турлича таркибда танлаш мумкин. Бу бевосита таълим босқичи, ўқувчиларнинг мавжуд билим даражалари, ўзлаштириш имкониятлари, ўқув предмети мақсади билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Масалан, ўқувчиларда мавжуд бўлган сўз бойликлари, ҳисоблаш кўникмалари, кўргазмали воситаларни идрок этиш даражалари билан боғлиқ ҳолда луғавий birlikлар, математик масалалар, кўргазмали воситалардан иборат алоҳида-алоҳида концентрларни танлаш мумкин. Уларнинг мазмуни ва таркиби бевосита ДТС ва ўқув дастурлари талаблари билан боғлиқ бўлади. Бироқ, энг муҳим нарсашундан иборатки, мазкур моделнинг аниқловчи белгилари унинг таркиби ўзаро алоқадор бўлган birlikларни ўзида мужассамлаштирган назарий ҳодисалардан иборат бўлиб, мазкур билимлар ўқувчиларнинг моддий борлиқ манзарасини яққол идрок этишларига кўмаклашади. Бу эса, барча ўқув концентрларга хос бўлиши лозим. Бу, ўз навбатида, уларни ҳар қандай ўз-ўзича шакланган ўқув материаллари тизимидан фарқлаш имконини беради. Бу ўринда концентр кенгайтирилган ва ўзаро табақалаштирилган тушунчалар йиғиндисидан моҳиятан фарқ қилади.

Бой, ички алоқадорлиги билан намоён бўладиган кенгайтирилган назарий билимлар тизими мавҳумликдан аниқликка қараб ривожланиш жараёнида янги-янги ўхшаш тизимлар қатлами муайян назарий, дидактик асосга эгаллиги билан характерланади. Бу муайян назарий билимлар тизими ёрдамида ойдинлашадиган дидактик ҳодисадир.

Концентризм принципининг тўлиқлиги, мукамаллиги мазкур принциппга таянилган ҳолда танланган ўқув материалларини ўзлаштириш натижасида ўқувчиларнинг аниқ билимларни эгаллашлари қафолатганиши билан характерланади.

Концентр характердаги ўқув материалларининг белгиланиши ўзаро алоқадор бўлган билим ва тушунчаларнинг ички мантиқий боғланиш асосида структуралаштирилиши ва умумлаштишга боғлиқ. Чунки, ўқув материалларининг ички алоқадорлиги уларнинг келиб чиқиши ва мантиқий жиҳатдан ўзаро боғланиши билан изоҳланади.

Концентризм принциппига асосланиб танланган назарий билимлар тизими ўқувчиларнинг билимдонлик даражаларини ривожлантиришга хизмат қилади. Мазкур билимлар ўқувчиларнинг амалий фаолиятларида, жумладан, тушунчаларни туркумлаштириш, ҳукмлар чиқариш, долзарб масалаларни муҳофама қилиш, ҳулосалаш, назарий тафаккур шаклларида умумлаштирилади. Бундай шароитда ўқувчиларнинг назарий тафаккури аниқ ҳолатларда намоён бўлади.

Биз ишимизнинг навбатдаги саҳифаларида билимлар назарий тизими мантиқий тузилмаси ҳақида фикр юритамиз.

Дидактик моҳиятга эга бўлган назарий билимлар тизимини концентрларга ажратиш имконияти билан боғлиқ ҳолда, мазкур билимлар ўқув предмети таркибида қандай муносабатга эга эканлиги ва улар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни қай тарзда белгилаш мумкинлигини аниқлаш муаммоси туғилади.

Ўқув предмети таркибидagi билимлар, ахборотлар муайян макон ва замон доирасида барқарордир. Назарий билимларни турли концентрларга бирлаштириш имконияти мавжуд.

Концентр таркибига киритиладиган билимлар тизимини тўғри белгилаш учун авваламбор мазкур концентрнинг таркибини илмий жиҳатдан асослаш талаб этилмоқда. Структура масаласи тарихий жиҳатдан ҳамиша ҳақиқий маънода ўрганилаётган объект ҳусу-сиятларини етарлича тўлиқ асослашда кейинги ўринга қўйилган.

Структура масаласини ўрганишга улар элементар таркибнинг бирдай туюлишига қарамай, билимлар моҳиятининг турли-туманлиги ҳақидаги далиллар уларни концентрларга ажратишда муҳим аҳамиятга эга.

Она тилига оид билимларни ўрганишда кенг қўлланилаётган «структура» (тузилма) тушунчаси концентризм принципи асосида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»да «структура» тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: «Структура (лот. *structura* – тузилиш, боғланиш) – муайян нарсаларнинг тузилиши, қурилиши; таркибий қисмларнинг ўзаро боғлиқлиги.

Бизнинг нуктаи назаримизда структура тушунчаси ўқув материали элементлари ўртасидаги мавжуд алоқаларнинг хусусиятларини ифodalayди.

Агар назарий билимлар тугал шаклдаги билиш фаолиятининг натижаси сифатида талқин қилинса, у ҳолда назарий билимлар тизимига қатъий барқарор тизим сифатида эътибор қаратиш лозим. Структуранинг ўзига хос хусусиятларига асосланиб берилган, а) назарий билимларни ифодаловчи ўқув материаллари қисмларини аниқлаш; б) ўқув материаллари элементлари ўртасидаги ўзаро мантикий боғланишларга тавсиф бериш лозим.

Ўқув материалларини структуралаш билан боғлиқ бўлган назариялар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) дидактик бирликларнинг эмпирик манбалари: асосий далиллар, маълумотлар ва ўқув топшириқлари; Масалан, 33-машқ. Ҳикматли сўзларни ўқинг ва ёд олинг.

2) назарий маълумотларни ифодаловчи ўқув материаллари: қоидалар, таърифлар; масалан, бўғинлар бир унли ва бир ундошдан, ундош+унли+ундошдан иборат бўлиши мумкин.

Масалан: *ун, ўт, от, бо-бо, бу-ви, кў-ча, ар-ча, чой-нак, бул-бул, қон-лон*.

Агар сўз бир қаторга сигмай қолса, бўғинга бўлиб, иккинчи, йўлга кўчирилади.

Масалан: ол-гин, бе-да.

Бир унлидан иборат бўлган бўғин олдинги қаторда қолдирилмайди кейинги йўлга кўчирилмайди.

Масалан: Сао-дат, муо-мала.

Назарий материалларнинг кетма-кет ифодаланиши; масалан, сўз бўғинларга бўлинади. Бўғин бир ёки бир неча товушлардан тузилган. Сўзда неча унли бўлса шунча бўғин бўлади.

Сўзлар бир бўғинли ва кўп бўғинли бўлади. Унли билан тугаган бўғинлар очик бўғин, ундош билан тугаган бўғин ёпик бўғин дейилади.

3) ўқув материали ёрдамида ҳосил қилинадиган кўникма ва малакалар; масалан, матн ярата олиш, ифодали ўқиш малакалари каби.

Ўқув материалларининг мазкур қисмлари концентризм принципи асосланган таълим мазмунини яққол тасаввур этиш имконини беради. Концентризм принципи ўқув материалларининг барча қисмларини органик тарзда бир-бирига боғлаб, назарий билимларини аниқ ифодалашга кўмаклашади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ўқув материалларининг барча қисмлари концентризм принципига таянган ҳолда танланади ва структуралаштирилади.

Мазкур принцип доирасида ўзаро алоқадор тушунчалар ягона бир блокка мужассамлаштирилади. Ушбу ўқув материалларининг асосини келиб чиқиши жиҳатдан бир хил бўлган тил воситалари ташкил этади. Чунки, улар бир бутун мантикий асосланган вазифага эгадирлар. Ушбу ўқув материаллари айна вақтда муайян нарсалар ва ҳодисаларни тавсифловчи таянч маъноларни ўзида ифодалайди. Масалан ой, кўёш, тош, гул, дарахт каби.

Муайян концентр таркибидаги ўқув материалларини уч қисмга ажратиш мумкин: дастлабки қисмга қоидалар ва таърифлар киритилади, марказий қисм сифатида машқлар ва матнлар тавсифланади, якунловчи қисм эса, таълимий топшириқлар ҳамда саволларни ўз ичига олади. Гап сўзлардан тузилади: Баҳор келди. Қунарлар исиди. Боғларда дарахтлар гуллади. Ариқларда сувлар тўлиб оқди. Китоб ўқиган бола қандай фазилатларга эга бўлади?, Қишда яна қандай ўйинлар ўйнайсиз?, Грипп қандай болаларга юқади?

Танланган ўқув материаллари ҳам мазмунан, ҳам шаклан концентризм принципига мос келишини таъминлаш лозим. Концентризм принципи асосланиб, танланган ўқув материаллари орасида мантикий алоқаларнинг мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга. Улар ўртасида дедуктив алоқалар мавжуд бўлади. Ўқув материал-

лари орасидаги фикрий алоқадорлик мантикий муносабатларнинг қарор топишида алоҳида ўрин эгаллайди.

Ўқув материаллари таркибида фикрий алоқалар дедуктив структура сифатида намоён бўлиб, уларни ягона блокка бириштиришга асос бўлади. Ўқув материалларнинг ягона концентрларга мансублиги бир нечта параметрлар асосида аниқланади: улар ифодалаган мазмун ва тушунчаларнинг умумийлиги, уларнинг ўзаро бир-бирини тоқазо қила олиш даражасига боғлиқ. Ўқув предмети доирасида барча тушунчаларнинг муайян аниқликни ифодалаш мўҳим аҳамиятга эга. Муайян ўқув предмети оид дидактик материалларни структуралаштиришда уларнинг бири-бирини тақозо қилишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Концентрализм принципи дидактик бирикларни аниқ структуралаштириш имконини беради. Концентр таркибидаги муайян тушунча қай даражада умумий тавсифга эга бўлса, у бошқа кучсизроқ умумийликка эга тушунчалар билан шу қадар кўпроқ алоқадордир.

Ўқув материалларини муайян концентрга жойлашда уларнинг умумийлиги ва ўзига хослиги ҳисобга олинади. Умумий тушунчалар сифат жиҳатидан аниқлик, аниқ ҳодисаларнинг моҳияти ва моддий оламни акс эттиради. Шу билан бир қаторда, улар ўқувчининг тафаккурини пешлайди.

Ўқув материаллари таркибига киритиладиган тушунчалар умумийлик ва хусусийлик характериға эга. Ўқув материаллари таркибига киритилган ҳар қандай тушунча умумийдир.

Ўқув материали таркибида тушунчаларнинг аниқ ифодаланиши концентрниг барча қисмларини тўлиқ акс эттиради. Бу эса, концентрализм принципи асосида ўқув материалларини структуралаш учун дидактик шароит яратади. Мазкур жараёнда қуйидагиларга эътибор қаратиш талаб этилади: ўқув материалларини баён этишда уларнинг умумий ва хусусий белгиларини яққол ифодалаш орқали муайян концентрға жамлашга асос бўлади.

Демак, ўқув материаллари таркибини мантикий жиҳатдан таҳлил қилмасдан уларни ягона концентрға жамлаш мумкин эмас. Бу айниқса, ўқув дастурлари ва дарсликларни яратишда мўҳимдир. Концентрализм принципи асосида таълим мазмунини тақомиллаштиришнинг дидактик қондаларини ишлаб чиқиш орқали унинг алоҳида қисмлари орасидаги дидактик алоқадорликни назарий жиҳатдан асослаш мумкин.

Шунинг учун ҳам концентр таркибидаги ўқув материаллари орасидаги алоқадорлик қуйидагича ифодаланади:

1) ўқув материаллари ва уларнинг қисмлари ўртасида фикрий алоқанинг мавжуд бўлиши;

2) ҳар бир концентр таркибида дидактик материалларнинг аниқ ва тўлиқ ифодаланиши.

Юкоридагиларға таянган ҳолда, концентрализм принципиға асосланган ўқув материални структуралаштириш натижасида ўқув дастурлари, дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмалари орасида мантикий алоқадорлик ва изчилликни таъминлаш имконияти кенгайишини асослаш мумкин. Ўқув материалларини баён қилиш ва ўқув вазифаларини қуйишда ҳам концентрализм принципиға таяниш лозим.

Муайян ўқув фанлари бўйича концентрализм принципи асосида таълим бериш ўқувчиларни ақлий-интеллектуал жиҳатдан ривожлантириш ва билимларини изчил тизимға солишда мўҳим аҳамиятға эга. Бу жиҳатдан айниқса, она тили таълими алоҳида ўрин эгаллайди. Ўқув-билив жараёни самарадорлиги асосан ўқув предмети мазмунининг таълим мақсадиға мувофиқ ҳолда танланганлигиға боғлиқ. Шунинг учун ҳам, ўқувчиларға тақдим этиладиган ўқув юкламасини уларнинг эҳтиёж ва имкониятларига мос тарзда белгилаш лозим.

Она тили таълими ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш имкониятларини кенгайтириши, уларда мушоҳада юритиш, ўзгалар фикрини англаш, ўз фикрларини оғзаки ва ёзма равишда раён баён қила олиш, жамият аъзолари билан эркин мулоқотда бўла олиш қўникма ва малакаларини изчил ривожлантиришға хизмат қилиши керак. Она тили Давлат таълим стандарти кўрсаткичлари болани фикрлай олиш, ифодаланган фикрни англаш ва ўз фикрини саводли, мантикий изчилликка риоя қилган ҳолда баён қила олишға ўргатиш нуктаи назардан белгиланган. Концентрализм принципиға асосланган она тили таълими мазмунида ўқувчининг саводхонлик, ёзма нутқ белгиларини талаффузда ифодалаш қўникмалари назарий маълумотлар ва амалий йўналтирилган машғулотлар ёрдамида жадал ривожланади. Ўқувчиларнинг нотаниш сўзлар ва матнларни тушуниш ҳамда идрок этиш имкониятлари кенгайтирилади. Синдан-синфға ўтган сари ўқувчиға тақдим этиладиган назарий маълумотлар миқдори кўпайтирилиб, ўзлаштирган билимларини амалий машқлар орқали мустаҳкамлашға кўпроқ вақт ажратилади.

Уларнинг матнлар мазмунини чуқурроқ англашлари учун кулай дидактик вазиятлар яратилади.

Фикрни ёзма тарзда баён этиш кўникмаси ва малакасини ҳосил қилиш ўта мураккаб жараён бўлиб, концентризм принципига асосланган она тили таълимини амалга оширишда бунга алоҳида эътибор қаратилади. Чунки бугунги кунда ўқувчиларнинг ёзма нутқини бошланғич синфлардан бошлаб ўстириш алоҳида долзарб-лик касб этмокда. Ўқувчилар ўз фикрларини батафсил, муайян мантикий изчилликда баён этиш кўникмасига эга бўлишлари лозим. Бунинг учун уларда сўз захираси етарлича шакллантирилиши керак. Шу мақсадда концентризм принципига асосланган она тили таълими жараёнида ўқувчиларда қуйидаги кўникмалар синф-ма-синф шакллантирилиб, мустаҳкамланиши мақсадга мувофиқ-дир:

- фикрни мантикий изчилликда ифодалаш;
- муайян мавзу доирасида синфма-синф кенгайтирилган му-раккаб матнлар яратиш;
- муайян мавзунини батафсил тавсифлаш;
- мавзунини тавсифлашда она тилининг ифода имкониятлари ва сўз бойликларидан самарали фойдалана олиш;
- матн яратишда имловий, услубий талабларга риоя қилиш кабилар.

Бошланғич синфларда концентризм принципига асосланган она тили таълими ўқувчиларнинг мустақил, танкидий ҳамда ман-тикий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш, ўз фикрларини мустақил баён қила олиш, эгалаган билимларини ўқув фаолиятларида қўллаш ҳамда таълимнинг иккинчи босқичида ўқишни давом эттириш учун зарурий тайёргарлик даражасини таъминлашга хизмат қилади.

Ўқув материаллари ўқувчиларни теварак-атрофдаги табиат билан таништириш, уларда олам тузилиши, табиат, жамият ҳоди-салари ҳақида бошланғич тасаввур ҳосил қилиш, дастлабки лингвистик дунёқараш куртакларини шакллантириш, она тилига муҳаббат уйғотиш ва фикр баён қилишда унинг имкониятларидан унумли фойдаланишга ўргатиш назарда тутилади.

Концентризм принципига асосланган она тили таълими жараёни ўқувчиларнинг ақлий, лингвистик, маънавий ривожлани-шини таъминлашга хизмат қиладиган интеграллашган ўқув-билиув жараёни сифатида ташкил этилади. Бу жараён ўқувчининг ақлий,

инсоний, рухий, маънавий камолотини таъминлашга хизмат қила-диган энг муҳим лингвистик билимлар ҳамда нуткий кўникма ва малакалар, ахлоқ-одоб меъёрлари, миллий урф-одаглар, кийиниш меъёрлари, нафосат ва гўзалликни ҳис эта олиш кўникмаси, олам, моддий борлик, кишилик жамияти ва инсон фаолиятини ранглар ёрдамида тасаввур эта олиш, миллий руҳ, инсон ҳис-туйғуларини турли тасвирилар ёрдамида англаш кўникма ва малакаларини шакллантиришга хизмат қилиши талаб этилади.

Концентризм принципига асосланган она тили таълимининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, бошланғич синф ўқувчиларининг тайёргарлик даражасига қуйидагича талаблар қўйиш мумкин:

- а) ўқувчиларнинг лингвистик билимлари ҳамда нуткий кў-никма ва малакаларини ривожлантиришга хизмат қиладиган билим, тушунчаларнинг меъёрланган кўрсаткичлари;
- б) луғавий бирликлар ва грамматик билимлар воситасида ўқувчининг мустақил, танкидий, мантикий фикрлаш кўникма-ларини шакллантиришга хизмат қиладиган билимларнинг муайян изчилликда меъёрланган кўрсаткичлари;
- в) турли ранглар воситасида ифодаланган ижтимоий ҳамда табиий воқеликнинг ўзбек тили ифода имкониятларидан фойдалан-ган ҳолда тасвирилашга имкон берадиган билимлар ва амалий кўникмаларнинг аниқ изчилликда меъёрланган кўрсаткичлари;
- г) ўқувчининг ички туйғуларини ифодалаш учун имкон берадиган нутқ бирликларининг меъёрланган кўрсаткичларини ўзлаштириш кабилар.

Ўқувчиларнинг мустақил, танкидий ҳамда мантикий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришда она тилининг ифода имконият-ларини ўзлаштириш жараёни муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчи ўзининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида атроф-муҳитдаги воқеа-ҳодисаларга у ёки бу тарзда алоқадор бўлади. Бу алоқадорлик натижасида нарс-буюм, воқеа-ҳодисаларнинг номлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини билишга интилади. Ўқувчилар концентризм принципига асосланган она тили таълими жараёнида лингвистик билимлар ва тил воситалари билан бир қаторда, ўзбек халқининг ижтимоий таърибасини ҳам ўзлаштиришлари керак. Шундагина она тили таълими жараёнида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш имкониятлари кенгайтирилади. Чунки, она тили дарсларида бадиий ҳамда илмий матнлар ёрдамида ўзбек тилининг

ифода имкониятлари, сўз бойлиги, имло ҳамда пунктуацион меъёрлари, табиат, жамият ҳодисалари, кишилар орасидаги ижтимоий муносабатлар, одамларнинг характери, фазилат ҳамда ҳислатлари, муомала, мулоқот, кийиниш маданияти, ўсимлик ва ҳайвонот оламининг ўзига хос жиҳатларини ўргатиш мақсади назарда тутилади.

Танланган ўқув мавзулари ҳамда унга мос келадиган ўқув материаллари моддий борлиқдаги нарсалар, воқеа-ҳодисалар, ташқи ҳаётда одамлар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар, ўзбек халқининг тарихий ҳамда ижтимоий таъриби, жамият ва табиат орасидаги алоқадорликни ўқувчиларга аниқлаш, ўзбек тилидаги қийин сўз ва ибораларни мазмун, ифода бирлигида кўргазмалар тарзда изоҳлашга хизмат қилиши керак. Чунинчи, ўқувчиларнинг сўз бойлигини мунтазам ошириб бориш натижасида, уларда ҳиссий идрок, нафосатга интилиш, завқ-шавқ, зукколик, юқори даражадаги кўтаринкилик, бадий ижод намуналарини ўзлаштиришга интилиш, мантиқий фикрлаш қабилар таркиб топтирилади. Шу билан бир қаторда, матнларни шарҳлаш жараёнида ўқувчилар она тилидаги сўз ва ибораларда ифодаланган нозик маънолар, тилнинг услубий имкониятларини ҳам ўзлаштирилади.

Ўқувчиларни ҳар томонлама ривожлантиришда лингвистик-информацион характердаги матнлар, суҳбат ва ҳикоялар ҳам алоҳида ўрин тутди. Бундай матнлар устида ишлаш жараёнида ўқувчилар аниқ далил ва маълумотлар асосида ҳулоса ҳамда умумлашмалар ҳосил қиладилар.

Таълимий-информацион характердаги матнларда билимлар мантиқий жиҳатдан қатъий тарзда баён қилинади. Бадий тарздаги ҳикояларда эса моддий борлиқдаги нарсалар, воқеа ҳамда ҳодисалар, ижтимоий муносабатлар образли тарзда ифодаланади. Таълим жараёнида дарс материалларининг ўқувчилар томонидан онгли тарзда ўзлаштирилишига эришиш муҳим аҳамиятга эга. Дарс жараёнида кўчма маъноли сўзларнинг асл маъносини аниқлаш, расмга қараб фикр баён қилишга қаратилган топшириқлар ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш, ўз фикрини мантиқий изчилликда она тилининг сўз бойлигидан унумли фойдаланган ҳолда баён қилишга ўргатиш нуктаи назаридан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Она тили таълими жараёнида миллий ахлоқ ва нафосат тарбиясини амалга ошириш зарурлигини назарда тутган ҳолда ўқув материалларини танлаш мақсадга мувофиқдир.

Концентризм принципи асосланган она тили таълими мазмуни ҳам бошланғич таълим давлат таълим стандартлари талаблари доирасида белгиланди. Шунга кўра концентризм принципи асосланган она тили таълимининг мазмуни концентризм принципи таълими ҳолда белгиланди. Бунда мавзуларни муайян мантиқий кетма-кетликда тизимлаштириш орқали ўқувчиларда дастлабки лингвистик билимлар ва нутқ маданияти элементларини шакллантиришга эътибор қаратилди.

Шунингдек, мазкур таълим жараёнининг мақсади I-IV синф ўқувчиларининг коммуникатив саводхонлигини ривожлантиришни назарда тутди. I-IV синф ўқувчиларида она тили ва ўқшдан концентризм принципи асосланган таълим бериш натижасида белгиланган билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш учун ўқув юкларининг максимал миқдори аниқланиши лозим. Бу талаб ўқув топшириқларида ҳам ўз ифодасини топиши зарур. Концентризм принципи асосланган ўқув материаллари яхлитлик, изчиллик, тизимлик принципларига асосланган ҳолда танланди.

1. Бунда I-IV синф ўқувчиларига тақдим этиладиган концентризм принципи асосланган она тили ва ўқш таълими мазмунининг тадрижий такомиллашуви таъминланади.

2. Концентризм принципи асосланган она тили ва ўқш таълимининг мазмуни бошланғич таълим концепцияси ҳамда Бошланғич таълим давлат таълим стандартлари талаблари асосида белгиланган бўлади.

3. Ўқувчилар она тилининг назарий асослари, меъёрлари ва ифода имкониятларини муайян концентрларга асосланган ҳолда таълимнинг дастлабки босқичларидан бошлаб чуқур ўзлаштирилишига эришишлари назарда тутилади.

Концентризм принципи асосланган она тили ва ўқш таълими мазмуни белгиланган асосий эътибор ўқувчиларнинг назарий билимларини бойитиш, уларда нутқ маданиятига оид дастлабки кўникмалар ва лингвистик тафаккурни ҳосил қилиш, мустақил, танқидий, мантиқий фикрлаш кўникмаларини таркиб топтиришга қаратилди.

Бошланғич синф она тили таълимининг мазмуни концентризм принципи асосида қуйидагича белгиланиши мақсадга мувофиқдир:

Концентризм принципи асосланган она тили ва ўқш таълимининг дастлабки босқичида ўқувчиларга моддий борлик, атроф-муҳит, табиат ва жамият, ижтимоий-иқтисодий соҳа,

инсондаги турли хис-туйғуларнинг номини ифодалаш билан боғлиқ сўз, тушунча, нарсалар, воқеа-ходисаларнинг номини ифодаловчи сўз ва ибораларнинг маънолари, уларнинг маънодош, уядошлари, янги пайдо бўлган ҳамда эскириб қолган, умумхалқ ишлатадиган ва бир неча маъно ифодаладиган турли сўзлар, уларнинг вариантларини ўргатиш асосида сўз бойлиги ва нутқини синфдан-синфга ривожлантириб бориш, ўзбек тилининг луғат бойлиги ва ундан фойдаланиш доираси ҳақида уларда тасаввур ҳосил қилиш, она тилининг сўз бойлигини ўқувчиларнинг нутқига сингдириш вазифасини ҳал қилиш кўзда тутилди.

Концентризм принципига асосланган она тили ва ўқиш таълими мазмунининг кейинги қисмларида ўқувчиларнинг ўзлари эгаллаган грамматик билимлар ва сўз бойлиги ёрдамида фикр ва хис-туйғуларини аниқ, тўғри ифодалай олишлари ҳамда ўзгалар томонидан ифодаланган фикр ва туйғуларни тўғри аниқлашларига эришиш мақсадида она тилидаги грамматик воситаларнинг маъноси ва маънодош вариантлари, ёзилиши, қўлланиш доирасини оддийдан мураккабга тамойили асосида тадрижийликка эришган ҳолда ўргатиб бориш вазифасини ҳал қилиш назарда тутилган.

Учинчи қисм инсон нутқида ифодаланган ҳиссий маънонинг таъсир кучини аниқлаш, оғзаки ва ёзма шаклларда фикр ифодалаш жараёнида нутқнинг худди мана шу имкониятидан фойдаланиш мақсадида она тилидаги ифода воситаларининг услубий хослаши, услубий имкониятларини тадрижий асосда ўқувчиларнинг нутқига сингдиришга йўналтирилди.

Концентризм принципига асосланган она тили ва ўқиш таълимининг таркибий қисми бўлган нутқ ўстириш жараёнида эса, она тили ва ўқиш таълими мазмунига илк бор ўзбек тилининг стилистик меъёрлари ва уларнинг асосий белгилари, стилистик меъёрларнинг функционал табиати, тил воситаларини танлаш ва қўллаш имкониятлари, меъёрлари, нутқ услублари типологияси, муаммоларни ўзаро узвий алоқадорликда ўқувчиларга ўргатишга қаратилади.

Концентризм принципига асосланган она тили ва ўқиш таълими мазмунининг ушбу бўлимида нутқ услубий элементларининг мақсадга мувофиқлиги, стилистик қийматини ўқувчиларга нолингвистик ва лингвистик мезонлар орқали фаҳмлаш кўникмалари ва малакалари шакллантирилади. Функционал тил меъёрларини ўқувчиларнинг нутқига сингдириш, ўз навбатида матннинг

нинг мантикий мазмунини аниқлаш, мазкур матнни шакллантириш, уюштириш орқали яратиладиган коммуникатив услубнинг социолингвистик, психолингвистик асослардан ўқувчиларни хабардор этиш ҳам назарда тутилади.

Нутқ ўстириш жараёнида сўзларнинг семантик, грамматик ҳамда функционал услубий бирикувчилари орасидаги алоқа, сўзнинг нутқ таркибидagi жонли фаолиятини ўқувчиларга ўргатишга алоҳида эътибор қаратилади. Бу жараён доирасида ўқувчиларни аниқ фикрлаш, тафаккур маҳсулини мақсадга мувофиқ тарзда баён қила олишга ўргатиб бориш назарда тутилади. Концентризм принципига асосланган она тили ва ўқиш таълими жараёнида ўқувчининг билиш салоҳияти ва зеҳнини ривожлантириш, ўз фикрларини она тили ва ўқишнинг кенг имкониятларидан мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланган ҳолда баён қилишга оид кўникма ва малакаларни шакллантириш мақсади кўзда тутилди. Худди шу мақсадни амалга ошириш учун ўқувчиларга босқичма-босқич боғланишли нутқ элементларини ўргатиш, уларни турли шакл, мазмун ва характердаги матнларни яратишга одатлантириш вазифаси ҳам қўйилмоқда. Шу билан бир қаторда, она тили ва ўқишдан концентризм принципига асосланган таълим бериш жараёнида жамият аъзолари билан мулоқотга киришишнинг лингвистик меъёрлари, тил ва нутқнинг жамият ҳамда шахс учун аҳамияти, тилга ҳурмат, унинг бойлиги, софлиги учун кураш туйғуси, тиллараро алоқа ва бу алоқанинг самаралари, тил ва ёзув тарихи, тил ва ёзувнинг тараққиёт босқичлари ҳақидаги энг муҳим билим ва тушунчалар билан ўқувчилар куллангиларидадилар. Она тили ва ўқиш дарсларида мунтазам тарзда шарҳлаб ўқиш, бир-бирларининг ишларини текшириб баҳолаш, ўзгалар фикри ва матн мазмунини аниқлаш кўникмаларини таркиб топтириш вазифаси қўйилади.

ХУЛОСА

Таълим мазмунини танлаш ва ўқув материалларини структуралашга оид замонавий ёндашувлар бу соҳада концентризм принципи катта дидактик имкониятларга эга эканлигини назарий жиҳатдан асослаб бермоқда.

Концентризм принципи асосида танланган ва структуралаштирилган ўқув материаллари ўқувчилар билимини тизимлаштириш, уларнинг амалий кўникма ва малакаларини мужассам тарзда таркиб топтириш имконини беради. Концентризм принципи асосида ўқув материалларини танлаш ва структуралаштириш натижасида ўқувчиларнинг нутқи, муайян воқеа-ҳодисалар ҳақидаги тасавурлари яхлит тарзда таркиб топади, ўқув материаллари, савол ва топшириқлар, дидактик вазиятлар орасида узвийлик таъминланади. Таълим амалиётини ўрганиш ва ўқитувчиларнинг ўқув материаллари, дарсликлар ҳақидаги фикрларини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, улар ўқув материаллари, уларнинг таркиби, танланиш принциплари ҳақида аниқ илмий тасавурга эга эмас эканлар. Бошланғич синф Она тили ва Ўқиш дастурлари, дарсликларини таҳлил қилиш асосида уларда тақдим этилган мавзулар, ўқув материаллари, таълимий топшириқлар, саволлар орасида изчиллик, яхлитликнинг мавжуд эмаслиги, қўллаб-тақдор мавзулар борлиги аён бўлди.

Бошланғич синф Она тили ва Ўқиш дастурлари ва дарсликларини таҳлил қилиш натижалари ўқув материалларини концентризм принципи асосида танлаш, структуралаш ва яхлит тизимга солиш эҳтиёжи мавжудлигини кўрсатди. Ўқувчини ҳар томонлама ақлий, маънавий ҳамда жисмоний ривожлантиришда ўқув материаллари алоҳида аҳамиятга эга.

Ўқувчиларга тақдим этиладиган ўқув материалларини изчил тизимга солиш, мақсадга мувофиқ ҳолда танлаш таълим самарадорлигини таъминлашнинг муҳим шартидир. Дидактика соҳасидаги мавжуд адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, таълим самарадорлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ўқув материалларини концентризм принципи асосида танлаш ва структуралаштиришдан иборатдир.

Концентризм принципи ўқув материалларини мақсадга мувофиқ ҳолда танлаш, муайян блоklarга ажратиш ва тизимлаштириш ҳамда қулай воситалар ёрдамида ўқувчига тақдим этиш учун катта дидактик имкониятларга эга. Концентризм принципи асосида танланган ўқув материаллари ўқувчиларнинг билимларини изчил тизимга солиш, уларни мантикий фикрлашга ўргатиш, фикрий кетма-кетликни таъминлашда алоҳида ўрин эгаллайди. Концентризм принципи асосида танланган ўқув материаллари ўзаро узвий тарзда боғланган блоklarни ташкил этиб, ўқув материаллари орасидаги изчилликни таъминлашга хизмат қилади ва дастурларда бериладиган мавзуларнинг узвий тарзда жойлаштирилишини таъминлайди.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқи, 1997 йил 29 август // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т., 1997. – Б. 4–19.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. – Шарқ нашриёти - матбаа концерни бош таҳририяти. Т., 1999. – 181 б.
3. И.А.Каримов. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008, 176 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги қонуни, 1993 йил 28 декабрь / Халқ сўзи. – 1994, 28 январь.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни / Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т., 1997. – Б. 20–29.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т., 1997. – Б.31–60.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги 5-сонли «Ўзбекистон таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги қарори // Таълим тараққиёти, 1-сон. – Т.: Шарқ НМК. 1998. – Б. 31–32.
8. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августдаги 390-сонли қарори // Таълим тараққиёти. 1-махсус сон. – Т.: «Шарқ», 1999.
9. Абдукаримов Х. Изучение способностей детей в процессе непрерывного педагогического образования / Бошлангич таълим. 1997. – № 1. – С.24–25.
10. Абдуллаева Қ., Сафарова Р. ва б. Бошлангич таълим концепцияси // Бошлангич таълим, 6-сон. – Т., 1998. – Б.2–9.
11. Абдуллаева Қ., Сафарова Р. ва б. Бошлангич таълим давлат таълим стандарти // Бошлангич таълими, 6-сон. – Т., – 1998. – Б. 9–6.
12. Абдуллаева Қ., Шукурова Р., Раҳмонбекова Н. 1-синф учун «Она тили» дарслиги. 5-нашри. – Т.: «Ўқитувчи», 2001. – 96 б.
13. Абдуллаева Қ., Юсупов М., Махмудова М., Раҳмонбекова С. 2-синф учун «Ўқиш» китоби. – Т.: «Ўқитувчи», 2004. – 173 б.
14. Абдуллаева Қ., Юсупова М., Раҳмонбекова С. 2-синф учун «Одобнома». – Т., 2002. – 82 б.

15. Адизов Б.Р. Бошлангич таълимни ижодий таъкил этишининг назарий асослари. Пед. фан. докторлик дис... – Т., 2002. – 276 б.
16. Аржанникова О.В., Крутский А.Н., Кузнецова Г.Н. Системно-структурный подход к усвоению знаний. / Психодидактика: Сборник избранных материалов первой Всероссийской научно-практической конференции «Психодидактика высшего и среднего образования». – Барнаул: Изд-во БГПУ, 1997. – С. 70–74.
17. Бекмуратов А. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалиётга жорий этишда давлат таълим стандартларини такомиллаштиришининг дидактик асослари (Бошлангич таълим мисолида). Пед. фан. номзодлик дис... автореферати. – Т., 2002. – 20 б.
18. Беспалько В.П. Теория учебника: Дидактический аспект. – М.: Педагогика, 1988. – 160 с.
19. Выготский Л.С. Педагогическая психология. Под ред. В.В.Давыдова. М.: Педагогика, 1991. 480 с.
20. Давлетшин М.Г. Бошлангич таълим психологик омиллари. / Халқ таълим тизимида бошлангич синф ўқитувчиларининг янги авлодини тайёрлаш муаммолари. – Т.: ТДПУ. 1996. – Б.132–134.
21. Давыдов В.В. Психологическое развитие младших школьников. – М.: Педагогика, 1990. – 258 с.
22. Дьяченко В.К. Организационная структура учебного процесса и ее развитие. – М.: Педагогика, 1989. – 159 с.
23. Зак А.З. Развитие теоретического мышления у младших школьников. – М.: Педагогика, 1984. – 152 с.
24. Зуев Д.Д. Школьный учебник. – М.: Просвещение, 1983. – 240 с.
25. Икрамова Р., Азизова А., Йўлдошева Ш. 4-синф учун «Она тили» дарслиги. 5-нашри. – Т.: «Ўқитувчи», 2002. – 224 б.
26. Йўлдошев Ж.Ф. Таълимимиз истиклоли йўлида. – Т.: «Шарқ», 1996. – 224 б.
27. Карпович В.Н. Системность теоретического знания. Логический аспект. – Новосибирск: Наука, 1984. – 125 с.
28. Курбанов Ш. Социально-педагогические особенности национальной модели и программы по подготовке кадров. Дисс... докт. пед. наук. – Т., 2000. – 527 с.
29. Лебедев С.А. Индукция как метод научного познания. – М.: Изд-во Московского университета, 1980. – 192 с.

30. Левенбер Л.Ш., Ибрагимов Р. Активизация познавательной деятельности младшего школьника: На материале мат.-ки. – Т.: «Фан», 1991. – 165 с.
31. Лернер И.Я. Развивающее обучение с дидактических позиций // Педагогика. – 1996. – №2. – С. 7–11.
32. Мусаев П. Ўқув фанларининг функционал вазифаси ва уларни интеграциялаш масалалари / ДТС асосидаги ўқув дастурлари: муаммолар, изланишлар, ечимлар / Семинар материаллари. ХТВнинг илмий мақолалар тўплами. Т., 2002. – Б. 34–37.
33. Мусаев У. Умумий ўрта таълим жараёнини либераллаштиришнинг таъкидлий педагогик шарт-шароитлари. Пед. фан. номз. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2004. – 130 б.
34. Назарова Х.П. Бошлангич синф ўқувчиларининг коммуникатив саводхонлигини таъминлашнинг дидактик асослари. Пед. фан. номз. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 1999. – 245 б.
35. Нуржанова Р. Бошлангич таълим мазмунини прогностика қилишнинг педагогик омиллари. Пед. фан. номз. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2006. – 118 б.
36. Педагогик атамалар луғати. – Т.: «Фан», 2008. – 196 с.
37. Полат Е.С. Метод проектов: типология и структура / Лицейское и гимназическое образование. 2002, № 9. – С. 9–17.
38. Розиков О., Огаев С. Таълим технологияси. – Т., 1999. – 71 б.
39. Сафарова Р.Ғ. Миллий тикланиш шароитида Ўзбекистон мактабларида она тили таълими назарияси ва амалиёти. Пед. фан. док. дис... Т., 1998. – 255 б.
40. Сафарова Р.Ғ. Ўқув дастурларининг интеграцияси ва методик йўналишлари соҳасида мавжуд бўлган нуқтани назарлар / ДТС асосидаги ўқув дастурлари: муаммолар, изланишлар, ечимлар / Семинар материаллари. ХТВнинг илмий мақолалар тўплами. – Т., 2002. – Б. 27–29.
41. Сафарова Р., Рихсиева М. Умумий ўрта таълим мактаблари дарсликларининг янги авлодига қўйиладиган талаблар / Методик қўлланма. Т.: ЎзПФИТИ, 2001. – 28 бет.
42. Сафарова Р., Иноятова М. ва б. 1-синф учун «Алифбе» дарслиги. – Т.: «Маънавият», 2003, 2004, 2005, 2006, 2007.

43. Сафарова Р., Мусаев У., Мусаев П., Салаева М. Умумий ўрта таълим мазмунини прогностика қилишнинг назарий-амалий асослари / Монография. Т.: «Фан», 2005. – 135 б.
44. Сафарова Р.Ғ., Мусаев У., Мусаев П., Юсупова Ф., Нуржанова Р. Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим стратегияси муаммолари ва таълим мазмунининг янги моделлари, уларни татбиқ этиш йўллари / Монография. Т.: «Фан», 2005. – 255 б.
45. Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси. – Т.: «Шарк», 2002.
46. Уман А.И. О структурировании знаний и организации заданий в учебном материале. // Проблемы школьного учебника. Вып. 12. (О специфике учебников математики, физики, астрономии, черчения и трудового обучения). – М.: Просвещение, 1983. – С. 15–28.
47. Умарова М., Ҳакимова Ш. 3-синф учун «Ўқиш» китоби, 7-нашри. – Т., 2003. – 238 б.
48. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. Бошлангич таълим // Таълим тараққиёти. 34-махсус сон. – Т.: «Шарк» НМК, 1999. – Б. 480.
49. Усиление практической направленности обучения младших школьников как средство преодоления формализма в учебно-воспитательной работе. – Л.: ЛПТИ, 1990. – 159 с.
50. Усова А.В. Формирование у школьников научных понятий в процессе обучения. – М.: Педагогика, 1986. – 176 с.
51. Фузаилов С., Худайберганова М. 3-синф учун «Она тили» дарслиги. қайта ишланган ва тўлдирилган 4-нашри. – Т.: «Ўқитувчи», 2001. – 128 б.
52. Швырев В.С. теоретическое и эмпирическое в научном познании. – М.: «Наука», 1984. – 288 с.
53. Шожалилов А., Тошматова Т., Матжанов С., Сариев Ш. 4-синф учун «Ўқиш» китоби. – Т.: «Ўқитувчи», 2003.
54. Шодиев Д., Сафарова Р. Асосий параметрлар // Бошлангич таълим, 1995. – № 3–4. – Б. 3–4.
55. Эльконин Д.В. Избранные психологических труды. – М.: Педагогика, 1989. – 560 с.
56. Якиманская И.С. Личностно-ориентированное обучение в современных школ. – М., 1996. – 96 с.
57. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I А-Р.-М.: «Рус тили наشريёти», 1981. – 632 б.

МУНДАРИЖА

58. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008. 4-жилд, Б.222.
59. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2004. 8-жилд, Б.78.
60. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2005. 9-жилд, Б.99.
61. Қосимова К., Фузаилов С. ва Незматова А. 2-синф учун «Она тили» дарслиги. 4-нашри. – Т.: «Ўқитувчи» 2001. – 112 б.
62. Рафорова Т. ва б. 1-синф учун «Ўқиш» китоби. – Т.: «Ўқитувчи»,
63. Ғозиев Э.Ф. Тафаккур психологияси. – Т.: «Университет», 1999. – 48 б.
64. Ғозиев Э.Ф., Холмухамедов М., Иброҳимов Х. Психология методологияси. Психология мутахассислиги учун қўлланма. – Т., 2002. – 172 б.

Муқаддима.....	3
I бўлим. Замонавий дарсликларда тақдим этиладиган ўқув материалларини концентризм тамойили асосида структуралашнинг назарий асослари.....	11
1.1. Ўқув материалларини структуралашнинг дидактик имкониятлари.....	11
1.2. Ўқув материалларини структуралашнинг педагогик йўналишлари.....	20
II бўлим. Замонавий дарсликларда концентризм принципи асосида тақдим қилинадиган ўқув материалларини структуралашнинг дидактик параметллари.....	39
Хулоса.....	62
Фойдаланилган адабиётлар.....	64

1. What is the main purpose of the document?
 2. What are the key findings of the study?
 3. What are the limitations of the study?
 4. What are the implications of the study?
 5. What are the conclusions of the study?
 6. What are the recommendations of the study?
 7. What are the future research directions?
 8. What are the acknowledgments?
 9. What are the references?
 10. What are the appendices?

**ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИНИ КОНЦЕНТРИЗМ
ТАМОЙИЛИ АСОСИДА ТАНЛАШ А ОИД
ДИДАКТИК ЁНДАШУВЛАР**

Муҳаррир: Ф. Исмоилова
Тех. муҳаррир: М. Холмухамедов
Мусаввир: Ҳ. Ғуломов
Мусахҳиҳа: М. Ҳайитова
Компьютерда
саҳифаловчи: Н. Раҳматуллаева

Нашр.лиц. АЛ№149, 14.08.09. Босишга рухсат этилди 24.12.2012 йил.
Бичими 60×84 ¹/₁₆. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Шартли босма табоғи 4,75. Нашр босма табоғи 4,5.
Тиражи 500. Буюртма №153.

«Fan va texnologiyalar Markazining boshqaruvchi» da chop etiladi.
100066, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.

ISBN 978-9943-10-824-0



9 789943 108240

